Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 8 апрель, шанба • № 28 (10.704) • Эркин нархда сотилади

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

6 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Америка Қўшма Штатлари мудофаа вазири Уилям Перри раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонларни мамлакатимизга ташрифи билан қутлади. Ўзбекистон АҚШ билан муносабатларни ривожлантиришга, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бераётганини таъкидлади.

АҚШ мудофаа вазири самимий қабул учун миннатдорлик билдирар экан, Америка Қўшма Штатлари Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга катта ҳисса қўшаётганига юксак баҳо беришини айтди.

Ўзаро суҳбат чоғида, шунингдек, Ўзбекистонда демократик ислоҳотларнинг бориши, АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида ҳарбий-техник ва мудофаа соҳаларида ҳамкорлик, минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, Ўзбекистоннинг НАТО «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида иштироки билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Ғуломов, республика Бош вазири ўринбосарлари Ў. Султонов, Б. Ҳамидов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, мудофаа вазири Р. Аҳмедов, адлия вазири А. Мардиев ва бошқа расмий кишилар иштирок этди.

Учрашувда Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк ҳозир бўлди.

***

Президент Ислом Каримов ва АҚШ мудофаа вазири Уилям Перри ўзаро музокаралардан сўнг ўзбекистонлик ва чет эллик журналистлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди.

(ЎзА).

Дала ишлари кундалиги

БЎЛАЖАК ҲОСИЛ БУГУНДАН ЯРАТИЛАДИ

ДЕҲҚОН юмушлари бошдан ошган апрель ойининг биринчи ҳафтаси ҳам ўтиб бораяпти. Мевазор боғлар гуллаб, ғаллазорлар кўклаб, сабзавот далаларида дуркун ниҳоллар кўзга ташланиб қолди. Дала юмушлари қандай кетяпти? Белгиланган тадбирлар амалга ошириляптими? Экиш ишлари, ишлов бериш, боғ-роғлар парвариши кўнгилдагидекми?

ҒАЛЛА

• БУ ЙИЛ вилоятимизда 115 минг гектарда ғалла етиштирилмоқда. Шундан 80 минг гектари суғориладиган ерлардир. Ғалла мустақиллигига эришиш учун суғориладиган ерлардан 35-40 центнердан хирмон кўтариш режалаштирилган.

Ҳа, ғаллакорларимиз катта синов олдида турибдилар. Бу синовдан муваффақиятли ўтиш учун, аввало, мўл ҳосилга пухта замин яратиш керак. Ана шундай омиллардан бири ғаллазорларни зудлик билан суғоришдир. Аммо бу тадбир жуда секинлик билан олиб бориляпти. Бўстонлиқ, Паркент ва Юқоричирчиқ туманларида суғориш ишларига ҳанузгача умуман киришилгани йўқ. Вилоятимизда ҳозиргача бор-йўғи 38 минг гектар ғаллазорнинг суғорилганлиги ана шундай сусткашлик оқибатидир.

Бу йилги жами ҳосилни ўриб-йиғиб олиш учун 1100 та комбайн керак. Аммо бугунги кунда уларнинг сони 500 дан ошмайди. Шу боис ўрим-йиғим чўзилиб кетиб, ҳосилнинг кўп қисми нобуд бўлмаслиги учун ҳозирдан бошлабоқ ғаллазорларни одамларга (1-2 гектардан) тақсимлаш ва мавсумда қўл ўримига зўр беришга асосий эътиборни қаратиш лозим.

Яна бир муҳим масала шуки, бу йил ғалладан бўшаган ҳамма суғориладиган майдонларга пешма-пеш қайта сабзавот, картошка, мош, маккажўхори, бошқа экинлар экилади. Унга ҳозирдан бошлаб пухта ҳозирлик кўриш керак.

САБЗАВОТ

• ВИЛОЯТИМИЗДА сабзавотлар экишни ҳам кўнгилдагидай деб бўлмайди. Режасини ярмига ўринлаган, ихтисослашган Тошкент, Зангиота, Қибрай туманларини ҳисобга олмаганда бошқа ҳудудларда аҳвол ниҳоятда қониқарсиз. Жумладан, Қуйичирчиқ туманида ҳозиргача режадаги 300 гектар ўрнига 124 гектарга, Бекобод туманида 400 гектар ўрнига 249 гектарга, Янгийўл туманида 1050 гектар ўрнига 250 гектар ерга сабзавот экинлари экилди, холос.

Пискент, Оққўрғон, Қуйичирчиқ туманларида карам экишга, ҳатто киришилган ҳам эмас. Бекобод туманида 71 гектарга пиёз экилган. Бекобод, Бўстонлиқ, Қуйичирчиқ, Пискент, Чиноз ва Янгийўл туманларида бирон гектарга ҳам сабзи уруғи сепилмади. Бундай аҳвол билан ҳеч ҳам келишиб бўлмайди. Сабзавоткорлар тез кунларда камчиликлардан хулоса чиқариб, бутун ҳаракатларини белгиланган режаларга қаратмоқлари лозим.

КАРТОШКА

• ЭРТАГИ ва ўртаги картошка экиш ишлари ҳам ўлда-жўлда. Бу экин 10 апрелгача экиб бўлиниши керак. Афсуски, ҳозиргача режадаги жами 3665 гектар ер майдонининг эндигина 1161 гектарига картошка экилган. Пискент, Ўртачирчиқ, Чиноз, Янгийўл, Бўка, Қуйичирчиқ туманларида нари борса 15-120 гектар ерга уруғ экилган. Бўстонлиқ туманида эса бу ишга, ҳатто, киришилган ҳам эмас.

ЯНГИ БЕДА

• ВИЛОЯТДА янги беда майдонларини барпо этиш режаси 70 фоизга бажарилган. Буни қаранг-ки, 10.600 гектар ўрнига бор-йўғи 7,3 минг гектарга беда уруғи сепилибди...

Бу тадбир Оҳангарон, Юқоричирчиқ туманларида сусткашлик билан олиб борилмоқда. Бўстонлиқ туманида эса янги бедапоялар барпо этиш ҳақида топшириқ борлигини унутиб юборишган, шекилли.

МАККАЖЎХОРИ

• БУ ЙИЛ вилоятимизда дон учун 2 минг гектарга ва силос учун 13.300 гектарга маккажўхори экилиши керак. Аммо, бу борадаги ишлар қониқарсиз аҳволда. Аллақачон ҳаво жўнашиб, кунлар исиб кетганига қарамай, ҳеч ким пинагини бузмаяпти. Маккажўхори экишга Бўстонлиқ, Пискент, Оҳангарон, Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ туманларида эндигина киришилганини қандай баҳолаш мумкин?!

Ҳозирги қуёшли ҳар бир кун — табиатнинг деҳқонга бебаҳо саховатидир. Вақт ғанимат, унинг қадрига етиб, тадбиркорлик, омилкорлик билан иш юритайлик. Эртанги ютуғимиз бугундан бошланишини унутмайлик!

ХЎЖАЛИКДА БИРИНЧИ БЎЛИБ

ОҚҚЎРҒОН туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалигининг Файзулла Маъдиев бошлиқ бригадаси пахтакорлари 71 гектар майдонга барвақт чигит қадаб бўлдилар. Экиш ишларида звено бошлиқларидан Абдуқул Жўраев, тракторчи Камол Бўриев, сеялқачи Муҳаммад Холмуродов ва бошқалар ўрнак бўлишди.

Жамоа хўжалигининг Қўчор Норбоев, Худойберди Аҳмедовлар етакчилик қилаётган бригадаларида ҳам экиш-дала ишлари юқори суръатлар билан олиб бориляпти.

Ҳ. АВВАЛОВ.

ЖАДАЛ БОРМОҚДА

ЎРТАЧИРЧИҚ. Туманда чигит қадаш билан бирга эртаги сабзавот экиш ҳам жадал бормоқда. Хусусан, «Ҳақиқат», «Янги тўлқин», «Ўртасарой» ва Охунбобоев номли жамоа хўжаликлари меҳнаткашлари бу борада пешқадамлик қилишмоқда. Хусусан, Акмал Икромов номли жамоа хўжалигида эса картошка, карам ва бошқа экинлар экиб бўлинди. Туман хўжаликларида чорва озуқаси базасини мустаҳкамлашга ҳам эътибор кучайтирилган. Шу кунгача бу ҳудудда 600 гектардан кўпроқ ерга беда сепилди, лавлаги майдони эса 100 гектардан ошиб кетди.

Ш. ОБИДОВА.

ПАРКЕНТ туманидаги «Сўқоқ» жамоа хўжалигида бу йил узумдан мўл ҳосил етиштириш учун пухта замин яратилмоқда. Айниқса 4-бригаданинг Миртурсун Файзиев бошлиқ пудратчи деҳқонлари самарали меҳнат қилмоқдалар. Суратда: токларларни очиш ва симбағазларга боғлаш пайти.

Даврон АҲМАД олган сурат.

• Ўзбекистонга расмий ташриф муносабати билан

ИНДОНЕЗИЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СУХАРТО

1921 йил 8 июнь куни Кемусуда туғилган (Жокярта вилояти).

Ҳарбий таълимларни қуйидаги ўқув юртларида олган: 1943 йилда Гомбонгдаги ҳарбий билим юрти (Марказий Ява), 1959 йилда Бандунгдаги (Ғарбий Ява) олий ҳарбий коллежни тугаллаган.

1960 йил — армия штаби бошлиғининг ўринбосари, ўриндошлик бўйича Индонезия армиясининг заҳирадаги биринчи корпуси қўмондони.

1961 йил — Индонезия армиясининг ҳаво ҳужумидан мудофаа кучлари қўмондони.

1962 йил — Ғарбий Ирианни озод қилиш учун бўлган урушда иштирок этган қўшинлар гуруҳи қўмондони.

1963 йил — Индонезия армияси стратегик кучлари қўмондони.

1966 йил — вазир, Индонезия Куролли Кучлари бош қўмондони.

1966 йил — Халқ ишончи маҳкамаси ҳайъати раиси, мудофаа ва хавфсизлик вазири, вазир — Индонезия Куролли Кучлари бош қўмондони.

1967 йилда — муваққат халқ консултатив ассамблеяси декретига биноан Индонезия Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи этиб тайинланган.

1968 йилдан буён — Индонезия Республикаси Президенти.

1993 йил март ойида Индонезия халқ консултатив ассамблеясининг якдил қарорига биноан олтинчи марта беш йил муддатга Индонезия республикасининг Президенти этиб сайланган.

Уйланган, олти фарзанди бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги матбуот шўъбаси.

Чирчиқ шаҳрининг 60 йиллиги олдидан

ҒАЛДАГИ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

БУГУН Чирчиқ шаҳрида бўлган киши катта ўзгаришларнинг устидан чиқади. Кенг, равоқ кўчалар, обод қилинган хиёбонлар, истироҳат боғлари, қад кўтарган турар жой мавзелари, янги қурилишлар шаҳарга янада файз киритмоқда.

Шаҳарни ободонлаштиришга бу даражада тиғизлик ва уюшқоқлик билан киришилаётгани бежиз эмас. Чирчиқликлар қўш байрамга ҳозирлик кўришаётир. Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан шу йил 1 майда шаҳар бунёд этилганлигининг 60 йиллиги ҳамда ғалабанинг 50 йиллиги кенг нишонланади.

Куни кеча ушбу катта тадбирларга тайёргарлик кўрувчи ва ўтказувчи шаҳар ташкилий қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни шаҳар ҳокими Д. Азизхўжаев олиб борди. У корхона ва ташкилотларда бажарилаётган ишларни таҳлил этиб, амалга оширилиши зарур бўлган масалаларга тўхталди. Комиссия йиғилишида «Чирчиқ шаҳарсавдо», «Чирчиқтаом», «Чирчиққурилиш» ташкилотлари раҳбарларининг ахборотлари тингланди.

Комиссия йиғилишида шаҳарнинг 60 йиллиги ва ғалабанинг 50 йиллигини ҳар томонлама уюшқоқлик ва юқори савияда ўтказиш юзасидан қўшимча тадбирлар белгиланди.

Йиғилишда вилоят ҳокимининг муовини Л. П. Тернових иштирок этди.

ОҲАНГАРОНДА ҲАМ ПАХТА ЭКИЛАДИ

Ғаллачилик, сабзавотчилик ва чорвачилик билан шуғулланиб келаётган оҳангаронликлар жорий йилдан бошлаб пахта етиштиришга ҳам аҳд қилдилар. Айни кунларда тумандаги Навоий номидаги, «Бирлик», «Янги-ҳаёт» хўжаликларида 150 гектар майдонга чигит экиш тараддуди бошлаб юборилди.

Туманда 30-40-йилларда яхшигина ҳосил олинар эди. Оҳангаронликлар ана шу анъанани тиклаш мақсадида дастлабки йили гектар бошига камида 25 центнердан «оқ олтин» йиғиштириб олишни мўлжалламоқдалар.

(ЎзА).

9 АПРЕЛЬ — АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

Абдулла ОРИПОВ:

МУДРОҚ ҒУРУРЛАРНИ УЙҒОТГАН СИЙМО

Ҳазрат соҳибқирон Амир Темурнинг бу галги муборак таваллуд кунлари келгуси йили нафақат Ўзбекистон, балки дунё миқёсида тантана қилинажак қутлуғ тўйларига қизғин тайёргарлик авж олган паллага тўғри келди. Маълумки, республика Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил декабрида қабул қилган Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлаш ҳақидаги қарорга биноан мамлакатимиз бўйлаб ушбу муборак санага ҳозирлик борасида улкан тадбирлар белгиланди ва амалга оширилмоқда. Амир Темур таваллуди куни арафасида ҳазратнинг ҳаёти, тарихда тутган ўрни хусусида Ўзбекистон халқ шоири, республика Олий Мажлиси депутати Абдулла ОРИПОВ билан суҳбатлашдик.

— Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис биринчи сессиясидаги маърузасида бошқа кўпгина соҳалар қатори маънавият масаласига ҳам жуда катта эътибор қаратилди. Зотан, маънавиятимиз илдизлари бўлмиш ўтмиш қадриятларимизга муносабат, уларни қайтадан халқ назарига, жаҳон назарига етказиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Жумладан, маънавиятимизнинг энг теран илдизларидан, ўқтомирларидан бири, албатта, Амир Темур сиймосидир. Мен ҳозиргача ҳам бир гапни ҳазм қилолмайманки, шунча йиллар мобайнида Темурдек улкан сиймони, жуда катта хазинани биздан яшириб келишга қандай ҳаддилари сиққан экан. Ахир, Амир Темур сиймоси ҳам Помир ёхуд Ҳимолай тоғидай ёхуд осмондаги ойдай ва ё масалан, Тинч океанидай кўз ўнгимизда турган ҳодиса-ку! Яъни, Темур сиймоси инсоният тарихида бизгача бўлган, биздан кейин ҳам бўладиган катта бир жаҳоншумул факт. Темурни кимдир яхши кўриши ёки кимдир ёқтирмаслиги мумкин. Аммо, ҳеч ким ҳеч қачон бу фактни инкор этолмайди. Бу сиймо олдидан кўз юмиб ўтиб кетиш мумкин эмас. Турли сиёсатлар, мафкуралар, давлат тузумлари билан Темур сиймоси ҳисоблашмайди. У асрлардан асрларга ўтиб борадиган мукаммал ҳодисалар жумласига киради. Бундай ҳодисалар ижтимоий ҳаётда ҳам, маънавий ҳаётда ҳам доимо мавжуд бўлган.

Таассуфки, худди ана шундай буюк ҳодиса — Темур сиймоси биздан шу яқин вақтгача бекитиб келинган. Қолаверса, Темур фаолияти билан боғлиқ тарихий ва адабий манбаларни яхши билган, мадрасаларда эски китобларни ўрганган Ойбек, Абдулла Қодирий каби зотларнинг Темур ҳақида билганларини ёзиб қолдиролмаганликлари буюк армон бўлиб туюлади. Темур ҳақидаги ёзма манбаларни ўрганиб борсангиз, шўро мафкураси фақат бизгагина соҳибқирон номини ман қилиб қўйгани маълум бўлади. Ҳолбуки, жаҳон афкор оммаси, маърифатли олам Шарқ маънавиятини, жумладан, Темур сиймосини ҳам ўрганишдан, у ҳақда асарлар яратишдан ҳеч қачон тўхтамаган. Яқиндагина инглиз темуршунос олимаси Хильда Хукхэмнинг «Соҳибқирон» номли китоби рус тилида нашр этилди. Бу китобнинг муҳим аҳамиятларидан бири шундаки, буюк Британия энциклопедиясининг Темурга бағишланган боби ана шу асар асосида яратилган. Бир жиҳатдан қарасангиз, Темур ҳақида ёзишга инглиз аёлини нима мажбур қилди, деган савол туғилади. У Темур билан ватандош эмас, иккинчидан, Темур унга ёмонлик қилмаганидек, яхшилик ҳам қилган эмас. Гап шундаки, маърифатли кишилар Темурни тарихий воқеа сифатида илмий ҳамда холис ёндашиб ўрганганлар. Фақатгина мустақиллик шарофати билан бу сингари китоблар бизгача етиб келди.

— Юқорида таъкидлаганингиздек, Амир Темур сиймоси мамлакатимизга истиқлол билан изма-из кириб келди. Амир Темур ва истиқлол — ана шу икки юксак тушунча ўртасидаги боғлиқликларни нималарда кўрасиз?

— Аввало, бугунги Ўзбекистонимиз иқтисодиёти ва сиёсатида кенг қамровли ҳамда умидбахш ўзгаришлар рўй бераётгани сингари шаҳарларнинг барпо бўлиши, илм-фан, маданиятнинг юксалиши, умуман, инсоният маънавий, маданий, сиёсий географияси Темур салтанати даврида мутлақо ўзгарган. Бошқача шаклга, жараёнга ўтган. Темурнинг шоён таҳсинга сазовор ишларидан бири шундаки, унинг ҳукмдорлиги даврида ўғри ва қароқчилар қаттиқ жазоланган, шунинг баробарида, ўғирлик содир этилган ҳудуднинг ҳокимидан катта миқдорда жарима ундирилган. Шу йўл билан салтанатда жиноятчиликдек иллатнинг томир отиб кетишига йўл қўйилмаган. Бу ҳол, бу ютуқ — ҳозирги кўпгина давлатларнинг ҳам орзуси. Бугун Ўзбекистонимизда уюшган жиноятчиликка қарши амалга оширилаётган муросасиз кураш ва унинг жаҳон давлатлари томонидан тан олинаётганини кўрганда бизни бу борада Темур бобомиз руҳи қўллаб турғандек туюлади.

Темур тузукларида тилга олинган, саркардалик фаолиятида ҳам бўртиб кўриниб турган жиҳатларидан яна бири унинг тинчликпарвар сиёсат тарафдори бўлганидир. Темур тинч йўл билан, сулҳ ва келишув асосида иш битиши мумкин бўлган жойда қон тўкишни, қилич ишлатишни мутлақо қоралаган. Қолаверса, унинг халқаро сиёсатдаги ўрни ҳам, бу борадаги амалий фаолияти ҳам ибратли ҳамда ўзига хосдир. Соҳибқирон узоқ-яқин давлатлар ҳукмдорларига элчилар юборади, хат-хабар йўллайди. Улар билан тинч кўшничиликни йўлга қўяди, ўзаро савдо-сотиқ ишларини ривожлантириш тарафида туради. Қисқа айтганда, хорижий давлатлар билан дўстона ва ҳамкорлик муносабатларини равнақ эттириш йўлидан боради. Темурнинг бундай сиёсати ҳам бугунги Ўзбекистон давлати ташқи сиёсати билан ҳамоҳангдир.

— Абдулла ака, халқ орасида Амир Темур ҳаёти билан боғлиқ ривоятлар кўп...

— Дарҳақиқат, Темур фаолиятини ўрганиш жараёнида тарихий фактлар қатори турли-туман ривоятлар, афсоналарга дуч келамиз. Буюк шахслар ҳаёти ҳақида афсоналар туғилиши шубҳасиз. Биргина, Темурнинг соҳибқирон деб аталиши хусусидаги ривоятни кўрайлик. Ўша даврнинг техникаси, ўша даврнинг ҳаётлиги, ўша даврнинг ҳаёт ва фаолиятига бирров назар ташлаб, ўша даврнинг техникаси, ўша даврнинг ҳаёт ва фаолиятига бирров назар ташлаб, ўша даврнинг ўзаро муносабатлари, ахлоқий мезонлари, маданият даражаси ва ҳоказоларни ҳисобга олиб қарасак, кўплаб мамлакатларни забт қилган Амир Темур ўз даврида ниҳоятда катта шахс бўлганини кўрамиз. Темурнинг ўзига хос жиҳатларидан бири шуки, у мамлакатларни босиб олиш, ишғол қилиш баробарида яратувчанлик ишлари, хусусан шаҳарсозлик билан шуғулланган. Унинг тузукларида ҳам забт қилинган юртларда гуллар, дарахтлар экиб, қаламравидаги мамлакатларни обод қилиш тўғрисида ибратли йўл-йўриқ ва кўрсатмалар учрайди. Самарқанд ва Шаҳрисабз Темурнинг шаҳарсозлик борасида амалга оширган ишларининг мукаммал самараси десак, лоф эмас. Шунингдек, Темур қаерга бормасин, динидан, миллатидан қатъи назар ўша мамлакат маҳаллий усталарини масжид, мадраса, сарой ва бошқа турли иморатлар қуришга жалб этган. Айтайлик, Кавказда ҳозиргача Барлосариқ деган ариқ бор. Темур ўша ерни забт этганида ариқ қазишга фармон берган ва уни ўзи мансуб туркий уруғ номи билан атаган. Ҳолбуки, юртни ишғол қилган музаффар саркарда бундай ишга бош-қош бўлмаслиги ҳам мумкин эди. Демоқчиманки, Амир Темур ўзи қилаётган эзгу ишларнинг яшаб қолишига ишонган, яхшиликнинг абадийлиғига иймон келтирган.

— Республикамиз бўйлаб соҳибқирон номини абадийлаштириш ишлари кўтаринки руҳда давом этмоқда. Ана шу хусусда фикр билдирсангиз.

— Бизга эски мафкурадан ташвишлантирадиган бир мерос қолган эди. Бу — кампаниячилик. Масалан, кўчат экиш ойлиги ўтказилади. Ҳамма бир ой мобайнида кўчат экади ва шу билан тамом. Кўчат кўкардими-йўқми, бировнинг иши бўлмас эди. Бу каби ҳоллар илгари учраб турғувчи эди. Темур бобомиз билан боғлиқ залворли ишлар мувакқат бўлиб қолмаслигига қатъий ишонаман. Ишончимнинг сабаби нимада? Чунки, бу ишнинг тепасида Президент Ислом Каримов турибди. Юртбошимиз Бухорий, Термизий, Нақшбанд, Яссавий сингари табаррук боболаримизнинг обрўларини қандай кўтарган бўлсалар, бу бобомизнинг обрў-эътиборини юксалтиришни ҳам ана шундай давлат сиёсатига айлантирди. Кечаги сессияда айтилганидек, умуман, Ўзбекистонда маънавият давлат сиёсатига айланди. Шундай экан, давлатимизнинг шавкатли боболаримизга, қадриятларимизга юксак муносабат билдирган сиёсатини амалга оширишимиз керак. Бу барчамизнинг виждон ишимиз. Темур фаолиятини ўрганиш, унинг номини абадийлаштириш мунтазам ва изчил давом этадиган жараён бўлмоғи зарур. Чет элларда Темур шахсини ўрганувчи илмий марказлар мавжуд. Ўзимизда ҳам Темур фаолиятини тадқиқ қилувчи махсус илмгоҳлар иш бошлашига ва бошқа хил ана шу йўналишда фаолият кўрсатувчи доимий идоралар тузилишига шубҳа қилмайман. Чунки Темурнинг барча фазилатлари, яхши-ёмон жиҳати давр синовларидан аллақачон ўтиб бўлган. У объектив ҳодисага айланган. Биз энди уни осмондаги ёркин бир юлдуз, ёритқич сифатида ўрганишимиз керак. Бу йўналишда жойларда Темур номи билан боғлиқ жамғармалар ташкил этилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бизни Темур бобомиз руҳи қўллаб турибди деймизу, бу гапларга фанатик ёндашмаслигимиз керак. Бунинг ҳаммаси — аниқ ва бор гап. Яъни, Темур бизнинг мудроқ ғуруримизни уйғотди. Шунинг ўзигина бобомизнинг руҳи бизни қўллагани эмасми? Юрт соҳибқирон сиймосини мамлакатимизга, халқимизга қайтариш учун Темурнинг ўзида бўлганидек катта жасоратга эга зотга муштоқ эди. Президентимиз Амир Темурни миллий қаҳрамонимиз, тарихимиз бунёдкори, энг буюк жаҳоншумул сиймолардан бири сифатида халқимизга қайтаришдек савобли ишнинг бошида турибди. Мустақиллик нима берди, дейилган саволга, у бизга бир қатор тарихий воқеалар қатори бобомиз Амир Темурни ҳам қайтиб берди дейишимиз жоиздир. Бу энг ўктам, дадил, мардона ва тўғри жавобдир.

Суҳбатдош Ғулом МИРЗО (ЎзА).

• Бугун Индонезия Республикаси Президенти Сухартонинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланади

ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ ЧЕКСИЗ

Ява афсоналари, мунчоқдек сочилган юзлаб оролар, аҳолиси сони бўйича дунёда тўртинчи ўринда турувчи мамлакат... Индонезия ҳақидаги дастлабки тасаввур, аввало, кўпчиликда ана шундай тушунчалардан бошланади. Дарҳақиқат, Жануби-Шарқий Осиёда жойлашган Индонезия давлати синоатларга бой. Жаҳондаги баъзи синчков синчиларнинг тахминича, мамлакат XXI асрда Хитой, Ҳиндистон, Бразилия қаторида дунёдаги йирик ишлаб чиқариш саноатига эга давлатлар билан рақобатлашиш имконини қўлга киритади.

Индонезия узоқ муддатга мўлжалланган тараққиётнинг биринчи дастурини яқинда муваффақиятли якунлади. Дастурни амалга ошириш бундан 25 йил муқаддам бошланган, ўша пайтда мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси минтақадаги энг паст кўрсаткични ташкил этарди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 70 доллардан иборат эди. Лекин президент Сухарто раҳбарлигида амалга оширила бошланган тараққиёт дастури тез орада ўзининг самарасини берди. Натижада бугун мамлакат аҳолисининг қарийб икки баробар кўпайишига қарамай, аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад 670 АҚШ долларига етди.

Индонезияда эришилган ютуқлар шуни кўрсатдики, саноат ишлаб чиқаришини ва тайёр маҳсулот экспорт қилишни ривожлантириш билангина мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш мумкин экан. Шу боис мамлакат ҳукумати жаҳон бозорига маҳсулот чиқаришга катта эътибор бермоқда. Хорижий давлатларга тўқимачилик саноати, электротехника маҳсулотлари ва турли хил кийим-кечаклар сотиш ҳажми тобора ошиб бораётир. Бу соҳадаги кўрсаткичлар йилига 6 миллиард долларни ташкил этмоқда. Индонезия табиий газ экспорти бўйича жаҳондаги энг юқори ўринлардан бирини эгаллайди. Нефть саноатининг иқтисодиётдаги ҳиссаси ҳам йилдан-йилга ошиб бораётир.

Бундан ташқари, Индонезия мамлакатга хорижий сармоялар ҳажми 40 миллиардга етди. Хорижий сармояларнинг асосий қисми Япония, Гонконг, ГФР, АҚШ Голландия ва Жанубий Корея каби давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Бугунги кунда Индонезия халқи узоқ муддатли тараққиётнинг иккинчи дастурини амалга ошириш йўлида меҳнат қилмоқда. Индонезиянинг табиий бойликлари, ҳудудий кенглиги ва аҳолисининг кўплиги жадал тараққиёт учун қулай шароит яратиши шубҳасиз. Иқтисодиётни боскичма-боскич ривожлантириш қишлоқ хўжалиги ва хом ашё мамлакати бўлган Индонезияда ишлаб чиқариш саноатининг ривожини таъминлади. Бу эса келгусида эришиладиган ютуқлар омилидир.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов 1992 йилнинг ёзида Индонезияда расмий сафарда бўлган эди. Ушанда мамлакатимиз раҳбари Индонезияни Ўзбекистон учун дўст мамлакатлардан бири сифатида эътироф этганди. Ўзбекистон ва Индонезия халқларининг маънавий ва миллий анъаналарининг яқинлиги ҳам ушбу дўстликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон билан Индонезия ўртасида ўзаро муносабатлар ҳақида қўшма баёнот, дипломатия муносабатларини ўрнатиш тўғрисида протокол ҳамда иқтисодий ва техник ҳамкорлик ҳақидаги битим имзоланди. Мазкур ҳужжатларнинг имзоланиши Ўзбекистон-Индонезия муносабатларида янги босқични бошлаб берди. Савдо-иқтисодий алоқалар кенг ривож топди. Ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги протоколга кўра, Ўзбекистон Индонезия учун пахта толаси етказиб бермоқда, эвазига эса Индонезиядан чой, гуруч, енгил саноат маҳсулотлари олаётир. 1994 йил давомида мамлакатларимиз ўртасидаги маҳсулот айрибошлаш ҳажми 71,8 миллион долларни ташкил этди.

Ўзаро ҳамкорликни равнақ топтиришда Индонезиянинг «ПТ прима комексидо» компанияси катта ҳисса қўшмоқда. Бугунги кунда у Индонезия ҳукумати томонидан Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг барча соҳаларини мувофиқлаштириш ваколатини олган. 1991 йилдан буён мазкур компания билан маҳсулот айрибошлаш ҳажми 240 миллион долларга етди. Ўтган йили компания вакиллари Ўзбекистонга ташриф буюриб, ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш учун мамлакатимиз раҳбарияти, вазирликлар вакиллари билан кўплаб музокаралар ўтказган эди.

Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги манфаатли ҳамкорлик уфқлари жуда кенг. Жумладан, сайёҳликни ривожлантириш ҳар икки томонга ҳам катта фойда келтириши шубҳасиз. Маълумки, Индонезия халқи ислом илмининг буюк алломаларини етиштирган қадим ўзбек заминига, фанмаданият бешиклари бўлган Бухоро, Самарқанд каби шаҳарларимизга катта эҳтиром билан қарайди. Шу ўринда Индонезиянинг жаҳондаги энг йирик мусулмон давлати эканини эслаш жоиздир. Индонезияликлар Самарқанд ва Бухорони зиёрат қилиб, Исмоил Бухорий, Имом ат-Термизий каби машҳур муҳаддислар руҳини ёд этишни ҳам табаррук деб билишади.

Бугунги кунда ана шу йўналишлар бўйлаб сайёҳлик йўллари очиш режалари тайёрланмоқда. Мазкур режаларнинг амалга ошиши икки мамлакат халқларининг маданий алоқаларини ривожлантиришга, дўстона муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши тайин.

Индонезияни ҳам, Ўзбекистонни ҳам табиат бирдек саҳийлик ила сийлаган, икки мамлакат халқлари эса маънан бир-бирига яқин ва меҳнатсеварлиги жиҳатидан ўхшаш, ушбу омиллар келгусидаги ҳамкорлик истиқболини, маданий алоқаларимиз ривожини таъминловчи кўплаб тадбирларни амалга ошириш имконини беради.

Аввал хабар қилинганидек, шу йилнинг 8-11 апрель кунлари Индонезия Республикаси Президенти Сухарто мамлакатимизга расмий ташриф буюради. Бу ташриф кўзланган ана шу режаларни ҳаётга татбиқ этиш йўлида муҳим қадам бўлади.

Муҳаммад ШАРИФ,
ЎзА шарҳловчиси.

Чирчиқ шаҳрининг 60 йиллиги олдидан

БИРИНЧИ ҒИШТНИ ОТАНИНГ ЎЗЛАРИ ҚЎЙГАН ЭДИЛАР

ТАНИҚЛИ олим Шароф Зуҳриддиновнинг бундан бир неча йил аввал босмадан чиққан, Чирчиқ шаҳри тарихига бағишланган китобида шундай маълумотлар келтирилган: «1934 йилнинг 1 майида Чирчиқ дарёси номи билан аталган шаҳарга расмий равишда биринчи ғишт қўйилди. Ҳаяжонлантирадиган бу воқеага бағишланган тантанали митингда Ўзбекистон раҳбарлари, «Чирчиққурилиш» ишчилари, Тошкент делегацияси, яқин орадаги қишлоқлардан келган дала меҳнаткашлари иштирок этдилар.

Митингда Ўзбекистоннинг биринчи президенти Йўлдош Охунбобоев нутқ сўзладилар ва Чирчиқ шаҳрининг биринчи биноси пойдеворига биринчи ғиштни отанинг ўзлари қўйиб бердилар».

— Ҳа, ҳозирги пайтда 160 минг кишидан иборат 60 га яқин миллат ва элат вакиллари оға-инилардек дўст ва иноқ яшаётган, кимё, металлургия, машинасозлик, энергетика саноати бўйича республикамиздагина эмас, балки Марказий Осиёда ҳам йирик саноат марказининг ўзига хос тарихи бор, — дейди Чирчиқ шаҳри 60 йиллигини нишонлаш бўйича ташкил этилган ишчи гуруҳи раисининг биринчи муовини, кўп йиллар давомида шаҳарда раҳбарлик лавозимларида ишлаб келган пенсионер Н. К. Савченко, — энг серсув дарёлардан бири бўлган Чирчиқ дарёси атрофидаги воҳанинг халқ хўжалиги учун ҳар томонлама фойдали имкониятлари бу шаҳарни бунёд этишга даъват қилган эди. Шаҳар ҳам шу дарё номини олди.

Нина Кириловнанинг ҳикоя қилишича, Чирчиқ воҳаси асрлар давомида уйқуда бўлган. Воҳада жойлашган Ниёзбек, Қипчоқ, Жалоир, Қирғизқулоқ қишлоқларининг жами аҳолиси сони 20-йилларда мингтага ҳам етмаган. Улар пастқам, лой томли уйларда истиқомат қилиб, деҳқончилик билан шуғулланишган. Туркистонда гидроэнергиянинг Чирчиқ дарёсидек улкан манбаи бўла туриб, ундан ҳеч ким фойдаланмаган.

Фақат 1923 йилдан бошлаб воҳани тадқиқ этишга киришилди. Бу худудга энергетик олимлар, гиодезист мутахассислардан иборат тадқиқотчи гуруҳ келди. Улар Чирчиқ дарёсини мукаммал ўрганишди. Экспедицияга ГОЭЛРО комиссиясининг аъзоси, ДнепроГЭС ва ВолховГЭС лойиҳаларининг муаллифи Г. А. Александров бошчилик қилди. У ўша йилларда гидростанция қуриш учун Чирчиқ дарёсининг имконияти ҳақида «Ҳар километр масофада сув 4 метр баландликдан пастга куч билан тушади. Дарёнинг бундай қулайлиги Чирчиқнинг бўлажак гидростанцияларига катта қудрат бағишлайди», — деб ёзган эди.

1923 йилда Ўрта Осиёда ягона бўлган Бўзсув ГЭСи қурилиши бошланиб кетди. 1926 йил биринчи майида унинг 2 та агрегати ишга тушди.

Тадқиқотчи олимларда электр қуввати билан ишлайдиган кимё саноатининг йирик корхонасини барпо этиш ғояси ҳам пайдо бўлди. Тез орада маданий ўғит ишлаб чиқарадиган электр кимё комбинати қуриш лойиҳаси шакланди. Лойиҳа муаллифи К. А. Дренновнинг фикрича, бу корхона маҳсулоти республикада пахта ҳосилдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши курашда муҳим аҳамият касб этарди. Бундай корхона ўша йилларда Ўрта Осиёдагина эмас, Россияда ҳам йўқ эди. Мамлакат азот ўғитининг ҳар тоннасини олтин баҳосида четдан 450 сўмдан сотиб оларди.

1932 йил 28 апрелида СССР Меҳнат ва Мудофаа кенгаши Чирчиқ электр комбинати ва 2 та янги электр ГЭСини қуриш ҳақида қарор қабул қилди. Бу вазифани бажариш яқинда ташкил этилган «Чирчиққурилиш» давлат бошқармаси зиммасига юклатилди. Унга Дав Петрович Розит раҳбар этиб тайинланди. Шундай қилиб, 1933 йили Чирчиқнинг ўнг қирғоғи катта қурилиш майдонига айланди. Янги саноат шаҳри қурилиши ҳам бунинг таркибий қисми ҳисобланарди. Қурувчиларнинг биринчи навбатдаги вазифаси бараклар, хўжалик бинолари қуриш, кўчалар очиб, темир йўл ётқизиш, дарё қирғоқларини мустаҳкамлаш, ГЭС биноларини ва кимё заводини қуришдан иборат эди.

Иш қўлами ниҳоятда катта эди. 22 миллион куб метр тупроқни қазиш лозим бўларди. Ҳатто бу ДнепроГЭСдаги тупроқ ишларидан беш баробар кўп эди. 1,5 миллион куб метр бетон ётқизилиши режалаштирилган эди.

Биринчи қурувчилар Қирғизқулоқ қишлоғида жойлашишди. 1932 йил 7 ноябрда бу қишлоққа «Комсомол» дея ном беришди ва шу ерда қурила бошланган ГЭС ҳам шу ном билан аталди.

Қурилишнинг дастлабки йилларида бу ерда 2,5 мингга яқин одам ишлади. Улардан учдан бири чодир, бараклар, ертўлаларда, қолганлари очиқ ҳавода яшашарди. Дарё қирғоқларининг пастқам жойларини балчиқ босиб, чивин кўпайган, безгак касали ҳуружи авж олган эди. Асосий иш қуроли кетмон, белкурак бўлган қурувчилар туну-кун тинишмасди. Иш бошланган пайтларда атиги 600 га яқин от, 96 арава бор эди, холос. 1932 йилнинг охирига келиб бир неча автомашина, тракторлар ва экскаваторлар пайдо бўлди. Йўл, транспорт йўқлиги қурилиш бораётган жойларга озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш материаллари етказишни қийинлаштирарди.

Ишлар жадал бошланиши билан кимё, энергетика тармоқлари қатори, саноатнинг бошқа соҳалари ҳам ривож топиб борди. Чирчиқ дарёсини ўзлаштириш Тошкент воҳасида 200 минг гектардан зиёд ердан фойдаланиш имконини берди.

Айни пайтда маҳаллий ишчи ходимлар тайёрлашга ҳам катта эътибор қилинди. 1934 йилда мазкур қурилишдагилар сафига ДнепроГЭСни қуриб битирган ишчилар, мутахассислар келиб қўшилдилар. Москва ва Ленинграддан келган йирик мутахассислар суръатга-суръат қўшиб ишладилар. 1934 йил 15 сентябрида Тошкент-Чирчиқ темирйўли фойдаланишга топширилди. Ҳукумат қарори билан қурилиш материаллари таъминоти яхшиланди. 1935 йилнинг баҳорида Чирчиқ дарёси айланма каналга буриб юборилди. Бу эса гидроэлектростанцияларнинг бош тўғонини қуришга имкон яратди. Шу йили кузида Ғазалкент қишлоғи яқинида ўша иншоот барпо этилди. Орадан бир йил ўтгач, шаҳарда минерал ўғит ишлаб чиқарадиган завод ишга тушди. Аммиак, аммиак селитраси ишлаб чиқарадиган сувни электролизлаш усули тажрибадан ўтказилди. Янги маҳсулотлар халқ хўжалигига етказиб берила бошланди. Шу йилнинг ўзида иссиқлик электр станцияси қувват берди. Тез орада шағал заводи фойдаланишга топширилди. Товоқсой ГЭСи қурилиши бошлаб юборилди.

Чирчиқ қурилишининг зафарли одимлари туфайли яратилган моддий базалар асосида ажойиб ёш шаҳар қад кўтара бошлади. Навқирон саноат шаҳри — Чирчиқ қиёфаси кунмакун кўзга ташланиб борарди.

С. ҲАСАНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Суратларда: (юқорида) бўлажак шаҳарнинг биринчи ғиштини қўйишга бағишланган тантанали митинг қурувчилар дилларига қанчалик ҳаяжон солганлигини тасаввур этиш қийин эмас. Ўша унутилмас дақиқаларни акс эттирувчи ушбу тарихий сурат йиллар оша авлодлар қалбида Чирчиқ бунёдкорларига ҳурмат ва эҳтиром туйғусини уйғотаверади; ҳозир сизга биров шу кўримсиз, пастқам уйлар ўрнида навқирон, кўркам ва салобатли дўстлик шаҳри — Чирчиқ қад ростлаган деса ғ ичалик ишонмаслигингиз мумкин. Аммо бу айни ҳақиқатдир.

«ITE» ФИРМАСИ НАМОЙИШ ЭТАДИ

Буюк Британиянинг кўргазмалар ташкил этиш бўйича жаҳонга машҳур «ITE» (Ай Ти И) фирмаси Ўзбекистонда ҳам илк бор ўз фаолиятини бошламоқда. Яъни «Тиббиёт ва саломатлик-95» деб номланган кўргазма 10-13 апрель кунлари «Ўзэкспомарказ» республика савдо кўргазма марказининг павильонларида бўлиб ўтади.

Республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, республика соғлиқни саклаш вазирлиги ва «Узмедтехника» бирлашмалари кўргазмага ҳомийлик қилишмоқда. Жаҳондаги 25 мамлакатнинг 100 дан зиёд дори-дармон ва тиббиётда фойдаланувчи асбоб ускуналар ишлаб чиқарувчи фирма ва компаниялар кўргазмада иштирок этадилар. Улар орасида «Абботт», «Тошиба», «Данзас», «Сименс», «Берингер», «Ингельхайм», «Дина Хандельс», «Карл Цейс Йена»лар бор. Ташкилотчилар Ўзбекистондаги бой-табиий ресурсларни ҳисобга олиб, мазкур кўргазмадан катта натижаларни кутмоқдалар.

Ўзбекистонда Оролбўйи аҳолисининг саломатлигини тиклаш энг асосий муаммолардан биридир. Ҳозирги кунда «Гермед», «Сименс» ва бошқа фирмалар Ўзбекистонда ўз ваколатхоналарини очдилар. Ўйлаймизки, яқин келажакда юртимизда фаолият кўрсатаётган бир марта фойдаланувчи игналар ишлаб чиқарувчи «Медиз» ва тиббий ўраш матолари ишлаб чиқарувчи «Мединланта» қўшма корхоналари қаторига республика аҳолисининг саломатлигини тиклашда хизмат қилувчи янги қўшма корхоналар қўшилади. Октябрь ойида эса ITE фирмаси режасига кўра «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш» мавзусида ҳам кўргазма ташкил этилади.

Маҳмуда ИСМОИЛОВА,
«Узэкспомарказ» ходими.

БИЗНЕС РИВОЖИ — ЗАМОН ТАЛАБИ

БМТ тараққиёт дастури (ЮНДП) ҳамда Бирлашган Миллатларнинг саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО) кичик бизнесни ривожлантириш борасида республикамиз билан кенг ҳамкорликни йўлга қўймоқда. Ушбу ҳамкорлик натижасида тайёрланаётган дастурда мамлакатимизда учта бизнес инкубатор яратиш назарда тутилган.

6 апрель куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтида иш бошлаган семинарда бизнес инкубаторлар, жаҳонда бу борада тўпланган тажрибалар хусусида сўз юритилди. Анжуманда бизнес инкубаторлар концепцияси Ўзбекистон учун янги тушунча экани ва унинг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун муҳим аҳамият касб этиши мумкинлиги таъкидланди.

Семинарда Ўзбекистон бизнес инкубаторлар яратиш дастурининг бош назарий маслаҳатчиси Рустам Лалкаканинг ва ўзбекистонлик мутахассис-олимлар, тадбиркор ва ишбилармонларнинг маърузалари тингланди. Маърузалар юзасидан мунозаралар бўлди.

Семинар ўз ишини давом эттирмоқда.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси А. О. Қодиров раислигида, судьялар Ж. Субхонқулов ва А. Б. Дўстбобоевлардан иборат ҳайъатда, Ўзбекистон Бош прокурорининг катта ёрдамчиси О. Р. Матхоликов, ҳимоячилар Ш. Рашидова, М. Шамсиева, М. Тойжонова, М. Суярова, М. Бузрукова, Р. Шайхутдиновларнинг иштирокида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ағдариб ташлаш ва ҳокиматни қўлга олиш мақсадида фитна уюштиришда иштирок этишда айбланган бир гуруҳ шахслар устидан жиноят иши кўрилиб, ҳукм эълон қилинди.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, собиқ «Эрк» демократик партиясининг раиси Мадаминов Салай (Муҳаммад Солих)нинг ташкилотчилигида, Қашқадарё вилоятида яшовчи 46 нафар ёш йигитлар танлаб олиниб, шулардан 21 тасини алдов йўли билан «бизнесменликка» ўқитиш ниқоби остида ғайриқонуний равишда Туркияга, сўнгра Чечен Республикасининг Грозний шаҳрига олиб бориб, бу йигитларни мафкуравий жиҳатдан қайта тарбиялаб, уларга яккама-якка кураш усулларини, замонавий ўточар қуроллардан фойдаланиш йўлларини ва кўпорувчилик ишларини ўргатиб, сўнгра бу йигитлардан Ўзбекистон Республикасига қарши алоҳида хавфли жиноятлар содир қилишда фойдаланмоқчи бўлганлар.

Бу жиноятларни бош иштирокчилари Мурод Жўраев — 12 йил муддатга, Эркин Ашуров, Шавкат Холбоев, Неъмат Аҳмедовлар — 10 йилдан муддатга озодликдан маҳрум қилинди, ушбу жиноятни бошқа қатнашчилари ҳам узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиндилар.

***

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси Ж. У. Ғайбуллаев раислигида, судьялар Э. Йўлдошев ва К. Тоғаевдан иборат ҳайъатда Н. М. Қосимов, А. А. Ибрагимов ва бошқаларга нисбатан жиноят иши кўрилиб, 1995 йил 29 март куни ҳукм эълон қилинди.

Жиноят иши материалларига қараганда, Н. М. Қосимов томонидан ташкил қилинган қуролли банда 1993 йил декабрь ойида фуқаро — Ф. Ғозиевага нисбатан, 1994 йил 4 февраль куни «ЎзДЭУэлектроникс» корхонаси дўконига нисбатан, 1994 йил 7 апрель куни фуқаро Ш. Исроиловга нисбатан бандитизм жиноятини содир қилишиб, «ЎзДЭУэлектроникс» дўконига ўз таъсир доираларини ўтказишга ҳаракат қилишади.

Ҳозирги вақтда қидирувда бўлган А. Ғозиев ва судланувчи А. Ибрагимовлар томонидан тузилган қуролли банда аъзолари ҳам жиноятчилик оламида ном қозониш ва «ЎзДЭУэлектроникс» дўконига ўз таъсир доираларини ўтказиш учун ҳаракат қилишиб, дўконга нисбатан келиб чиққан низони «разбор» қилиш учун Қосимов бошлиқ банда аъзоларини 1994 йил 12 апрель куни Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган «Дендропарк»га учрашувга чақиришади.

Икки қарама-қарши банданинг 1994 йил 12 апрель куни соат 17.00 да «Дендропарк»да қуролли тўқнашуви натижасида отишма бўлиб, оқибатда 5 киши вафот қилади ва 2 киши ўқотар қуролдан жароҳатланади.

Олий суднинг ҳукмига биноан қуролли банда раҳбарлари ва фаол аъзоларидан Н. М. Қосимов, А. А. Ибрагимов, И. С. Маҳмутовлар Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 67-моддаси билан айбли деб топилиб, М. М. Ирматов эса жиноят кодексининг 67, 80-моддаси 1, 4, 6-бандлари билан айбли деб топилиб, фавқулодда жазо — ўлим жазосига ҳукм қилиндилар.

Қарама-қарши банданинг қолган 10 кишидан иборат аъзолари ҳам Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 67-моддаси билан айбдор деб топилиб, узоқ муддатларга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судландилар.

«Тошкент ҳақиқати» маслаҳатхонасида

ЕР СОЛИҒИ НИМА?

МАЪЛУМКИ, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 6 май қарорига мувофиқ «Ер солиғи тўғрисида»ги Қонун 1994 йил 1 январидан бошлаб амалга киритилган эди. Қонунга кўра ўз тасарруфида ер майдонларига эга бўлган жамоа ва давлат хўжаликлари, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришга бевосита алоқадор ташкилотлар ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ер солиғи тўловчилар ҳисобланиб, юқорида эслатилган қарорга мувофиқ улардан бу солиқ 1995 йил 1 январидан бошлаб ундириладиган бўлган эди. Жисмоний ва юридик шахсларга солинадиган солиқлар тўғрисида тўлиқ маълумотлар бериш мақсадида биз вилоят солиқ бошқармасининг «Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиққа тортиш бўлими»нинг бошлиғи, иқтисод фанлари номзоди Ш. КАРИМОВга мурожаат қилдик.

— Шавкат ака, авваламбор, бўлимнинг асосий вазифалари тўғрисида сўзлаб берсангиз.

— Бизнинг бўлимимизнинг асосий вазифаси бошқармамиздаги бошқа бўлимлар каби давлат бюджетига солиқ тушумларининг тўлиқ, тўғри ва ўз вақтида тушишини назорат қилишдир. Булар, асосан, ер солиғи, сув учун тўлов, ер ости бойликлари ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланганлик учун тўланадиган тушумлардан иборатдир.

Вилоятимиз солиқ идораларида «Табиий ресурслардан фойдаланганлик учун солиққа тортиш» бўлимлари ташкил этилганига эндигина олти ой бўлди, холос. Бўлимимиз ходимлари ўз фаолиятларини 1994 йилнинг иккинчи ярми учун ер солиғи башорат кўрсаткичлари бажарилишини аниқлаштиришдан бошлади. Вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларидаги солиқ инспекциялари ўз ҳудудларида жойлашган 10 мингдан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасалар эгаллаб турган ер майдонлари ҳақида, қачон ва қандай ҳужжатларга асосланиб ер ажратилганлиги, солиққа тортиладиган ер майдони, қайси минтақага тааллуқли, қишлоқ ерларининг суғориладиган ва лалми-яйлов ҳудудларга бўлиниши, ўз ерларига эга бўлмаган яъни ижарада ёки бошқа бир шаклда ердан фойдаланаётган юридик шахслар кимнинг еридан фойдаланаётганлиги ҳақида ва бошқа ахборотлар тўпланди. Бу маълумотлар ер солиғининг 1995 йилга мўлжалланган башорат кўрсаткичлари учун асосий манба сифатида хизмат қилмоқда.

Бу каби ишлар сув тўловлари борасида ҳам олиб борилди. Ҳозирда вилоятимизнинг барча туман ва шаҳарларида сув учун тўлов тўлайдиган корхона, ташкилотлар рўйхатга олинган ва улар учун 1995 йилга сувдан фойдаланиш лимитлари асосида тўловлар ундириш белгиланган.

— Аввалларида ҳам фуқаролардан ер солиғи ундирилар эди, янги турдаги ер солиғининг илгаригисидан фарқи нимада?

— Ер солиғининг янги турдаги солиқ деб ҳисобланишига сабаб уни белгилаш йўллари шу пайтгача амалда бўлиб келган қишлоқ хўжалик солиғи ва ер рентасидан тубдан фарқ қилади. Ҳақиқатда эса бундай солиқларни аввалари фақат фуқаролар тўлар эдилар. Эндиликда эса имтиёз берилганлардан ташқари барча корхона, муассаса ва ташкилотлар ўз тасарруфида бўлган ер участкалари учун ер солиғи тўлайдиган бўлдилар.

— Одатда кўпчиликни қандай асосларга кўра солиқлар белгиланиши қизиқтиради. Ер солиғининг белгиланиши ва бу борадаги муаммолар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Ер учун ҳақ ҳар йилги ер солиғи шаклида ундирилиб, унинг миқдорлари ер участкасининг сифати, қаерда ва қандай жойлашганлиги, шунингдек, сув билан қандай таъминланганлигига боғлиқдир.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бу солиқнинг миқдори ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларнинг хўжалик фаолияти натижаларига боғлиқ эмас. Яъни ер майдони бирлиги учун белгиланган ҳақ тарзида тўланиб, ишлаб чиқариш ҳаражатларига киритилади.

Муаммоларга келсак, ҳозирги пайтда тезда ечилиши шарт бўлган масала ҳақида тўхталиб ўтмоқчи эдим.

Ер солиғи бўйича бюджетга ундирилиши лозим бўлган тушумларнинг аниқ ва тўлиқ бўлишини таъминловчи ҳужжат бу шаҳар, кичик шаҳар ва шаҳарчалар (посёлкалар)ни ҳудудларга бўлиш тўғрисидаги ҳужжатдир. Бунда шаҳарлар — тўрт (уч), кичик шаҳарлар — уч, кичкина шаҳарчалар — икки ҳудудга бўлинган. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 13 декабрдаги 600-сонли қарори билан тасдиқланган иловада шаҳарлар ва шаҳарчаларда ер майдонларидан фойдаланган корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда якка тартибда уй-жой қурилиши учун берилган ер учун фуқаролардан ундириладиган ер солиғи ставкалари аниқлаб берилган.

Белгиланган ҳудудларнинг чегараларини аниқлаш тегишли шаҳар ва туман ҳокимлари ихтиёрига берилиб, уларни ўз қарорлари билан тасдиқлашлари керак. Афсуски, бундай қарорларни тайёрлашда ҳокимликлардаги меъморчилик ва ер тузиш бўлимларининг мутасаддилари ходимлари ўз масъулиятларини сезмаяптилар, бизнинг жойлардаги солиқ инспекцияларимиз сўровларига аниқ жавоб беролмаяптилар. Ҳудудларга бўлишда 3 ҳудуд ўрнига 1 ёки 2 ҳудуд, 2 ҳудуд ўрнига 1 ҳудуд таклиф этмоқдалар. Бўка, Оҳангарон, Зангиота, Паркент, Қибрай, Ўртачирчиқ туманлари, Янгиобод, Оҳангарон шаҳарлари ҳудудларидаги кичик шаҳарлар ва шаҳарчалар ҳанузгача ҳудудларга тўғри бўлинмаган. Қибрай тумани, Янгиобод шаҳарлари ҳокимликларидаги мутасаддилар ҳанузгача ерларни ҳудудларга ажратиш кераклигини умуман эшитмаганга ўхшашади. Ёки Чирчиқ шаҳриҳокимининг 1994 йил 31 майдаги фармойишига мувофиқ шаҳар тўрт ҳудудга тўғри бўлинган, унда ҳар бир ҳудуд аниқ чегараланган, лекин, ана шу ҳудудлар учун белгиланган ставкаларда ҳисобланмаган яъни ҳоким қарорининг биринчи ҳудудга тааллуқли ерида «Шаҳарнинг барча корхона, ташкилот ва муассасалари» деган ёзув мавжуд. Шунинг учун солиқ инспекциялари ходимлари Чирчиқ шаҳрида жойлашган корхона, ташкилот ва муассасаларни биринчи ҳудудга киритиб, солиқ ҳисоблашга мажбур бўлганлар.

Бундай камчиликлар натижасида солиқ ҳисобларининг башорат кўрсаткичларини аниқлаб бўлмаяпти ёҳуд шаҳар ва туманлар бўйича ҳисобланган солиқ суммаси ҳақиқий бўлмай қолмоқда. Оқибатда кўпгина туман ва шаҳарларда корхона ва ташкилотлар ер солиғи ҳисоб-китобларини солиқ инспекцияларига топшира олмаяптилар.

Аслида бу масалани ҳал этиш вилоят меъморчилик ва қурилиш, ер тузиш нозирлигининг ҳамда уларнинг жойлардаги мутасадди вакилларининг бевосита вазифасига киради.

— Ер солиғи бўйича ҳам қандайдир имтиёзлар белгиланганми?

— Албатта, имтиёзлар бор. Бу тўғрида Ўзбекистон Республикасининг «Ер солиғи тўғрисида»ги қонунида тўлиқ маълумотлар берилган. Лекин, ҳозирги кунда солиқ идораларига ташкилотлардан кўплаб хатлар келмоқдаки, улар молиявий аҳволларининг ночорлиги учун ёки тасарруфидаги ерларнинг бир қисмидан фойдаланмаганлиги сабабли, ер солиғини тўлашда имтиёзлар сўрамоқдалар.

Ваҳоланки, Ер солиғи тўғрисидаги республика қонунига ўзгартишлар киритиш ёки имтиёзлар бериш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси вазифасига киради. Фақаттина «Ер солиғи тўғрисида»ги қонунда вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ваколатли ҳокимият идораларига фуқароларга ва юридик шахсларга тегишли бюджетга ажратиладиган суммалар доирасида шахсларга ер солиғи тўлови бўйича қўшимча имтиёзлар белгилаш ҳуқуқи берилган.

Бошқа ҳеч қандай давлат солиқ қўмитаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари органлари, шу жумладан, давлат солиқ қўмитаси ва унинг жойлардаги ташкилотлари солиқлар бўйича имтиёзлар белгилаш ҳуқуқига эга эмаслар.

— Халқ орасида кейинги кунларда айрим гаплар пайдо бўлди. Гўё, хонадонлардаги молларга, паррандаларга, дарахтларга ҳам солиқ солинар эмиш... Шу масалага ҳам ойдинлик киритиб кетсангиз.

— Бу гапларнинг ҳаммаси миш-мишлардир. Бу борада ҳеч қандай расмий ҳужжат йўқ. Менимча, буларга кейинчалик ҳам солиқ солинмаса керак, деб ўйлайман.

— Суҳбатимиз сўнгида солиқ тўловчиларга яна нималарни эслатиб ўтишни лозим деб ҳисоблайсиз?

— Мен солиқ тўловчиларга тўловлар муддати ҳақида эслатмоқчи эдим. Чунки ўз вақтида ер солиғи ҳисоб-китобларини давлат солиқ инспекциясига топширмаган ва солиқ белгиланган муддатда тўланмаган ҳолларда молиявий жарималар белгиланади.

Юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, қишлоқ хўжалик учун мўлжалланган ерлардан фойдаланган корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар солиқни ҳар чоракда тенг улушларда — 15 февраль, 15 май, 15 август ва 15 ноябрда, қишлоқ хўжалик учун мўлжалланган ерлардан солиқ йилда икки марта тенг улушларда — 15 сентябрь ва 15 декабрда, фуқаролар йилда бир марта — 1 ноябргача тўлашлари шартдир. Солиқ тўловлари юридик шахснинг жойлашган еридан қатъий назар, ер участкалари қайси туман ёки шаҳар ҳудудида жойлашган бўлса, ўша туман ёки шаҳар бюджетига тўланади.

Суҳбатдош Ҳ. УМАРОВ.

Ғалабанинг 50 йиллиги

Уруш номинг ўчсин жаҳонда
Ҳамон битмас сен солган алам.
ЗУЛФИЯ.

ҚАЛБИМ ТУБИДАГИ ДАРД

1967 йилнинг баҳор кунларидан бири эди. Эшигимиз секингина тақиллади. Қарасам эшик ёнида мактабимизнинг юқори синф ўқувчиларидан икки қиз турибди. Ҳали-ҳали эсимда: ораста кийимлари ўзларига ярашган, форма, фартук, бўйинларида галстуклари ҳилпираб турарди.

— Жамил ака Жалиловнинг уйларими? — тортинибгина сўради улардан бири.

Отам уйдан чиқиб, қизларни айвонга таклиф қилдилар.

— Ғалабанинг 22 йиллигига деворий газета чиқармоқчи эдик. Шунинг учун урушда қатнашганларнинг ҳаёти ва хотираларини ёзиб олмоқчимиз. Ўзингиз ҳақингизда гапириб берсангиз, — мақсадини билдирди қизлардан бири.

Отам бироз ўйланиб қолдилар-да: Тўғри қиласизлар, қизларим, биз кўрган уруш кунларини ҳеч ким кўрмасину, лекин билиб қўйганингиз яхши. Ахир оталар, ака-укалар ҳаммамиз сизларни мана шундай тинч-гўзал ҳаёт кечиришингиз учун жанг майдонида ўлимга тик боққанмиз... — дедилар

Мен 1910 йилда Тошкент шаҳрида туғилдим. Онам ҳали гўдаклигимдаёқ, отам эса 12 ёшлигимда оламдан ўтиб кетишган. Амаким Абдужаббор хожининг қўлларида тарбия олдим. Олдин мадрасада, сўнгра мактабда ўқидим. Кимё фанига қизиққаним учун 1930 йилда Тошкент давлат университетининг физика-кимё кулиётига ўқишга кириб, 1935 йилда тугатдим. Институт йўлланмаси билан Самарқанд шаҳрига ишга юборилдим. Халқ хўжалиги институтида ассистент, Давлат университетида аспирант, 1938 йилдан 1942 йилгача Самарқанд тиббиёт институтининг умумий кимё кафедрасида доцент бўлиб ишладим. У ерга ўзим билан оиламни ҳам олиб боргандим. 1942 йилнинг март ойида фарзандли бўлдик. Армияга чақирув қоғози келганида ўзим урушга, жанг майдонига кетаяпману, мени деб уйни, ота-онаси, қариндошларини ташлаб келган хотиним, гўдак қизим хаёлимдан ўтди. Мусофирликда уларнинг холи нима кечади? Ўзим етим ўсгандим, қизим ҳам етим бўлиб қоладими?..

Аммо қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади, деган гап бор. Урушда уч марта яраландим. Биринчи маротаба оғир жароҳатланганимда ҳандакда ҳушсиз икки кун қолиб кетибман. Ўқ оёғимни жароҳатлаганди. Ёнимда эса жонсиз икки жангчи дўстларим ётарди. Санитарлар келиб мени госпиталга жўнатишди. Шу орада қисмдагилар мени ўлди, деб уйга «қора хат» жўнатишган. Самарқандда менга аза очиб, йигирма, қирқимни ҳам ўтказишган. Очлик, совуқ, жазирама иссиқ, соғинч... Ҳамма-ҳаммасини бошдан кечирдим. Неча бор ўлим билан юзма-юз келдим. Жуда кўп навқирон йигитлар, дўстларим қабри бегона юртларда қолиб кетди... Руминия, Югославия, Австрия, Болгария шаҳарларида бўлдим. 1942 йилнинг 22 октябридан 1945 йилнинг ёзигача бўлган жанг майдонларидаги мудҳиш кунларни сира унутолмайман.

Отам шулар ҳақида гапираяптилару, ўнг қўллари билан елкаларини силардилар. Чунки баданларидаги осколка парчаси тез-тез хуруж қилиб, уларни безовта этиб турарди. Қизларга яна бир қанча воқеалар ҳақида сўзлаб бердилар. Гапларининг сўнгида шукроналик қилдилар. «Мана, насиб қилган экан, тинч замонда ҳам яшаяпман, урушдан кейин Тошкент фармацевтика институтида, ҳозирда қишлоқ хўжалик институтида кимё фанидан ёшларга илм беряпман. Икки ўғил, тўрт қизли бўлдим...

Мактабимиз деворий газетасининг ғалаба байрамига бағишланган сонида отамнинг сурати билан мақола чиқарилди.

Мен отамнинг тез-тез касал бўлиб, шифокорларга мурожаат қилиб туриши сабабини шундан кейин чуқурроқ англадим. Маҳалламизда бир яҳудий ҳамшира бўлиб, отам касал бўлсалар ўша аёл уч-тўрт маҳал келиб укол қиларди. Мен керакли нарсаларни тўғрилаб қўярдим. Бир куни отам «Қизим ҳам дўхтир бўлади шекилли», — дедилар. Мен бошимни сарак-сарак қилиб «йўқ» дедим. Ҳамшира аёл «Нега энди дўхтир бўлмайсан», — деб сўради. Мен «ҳеч кимни жонини оғритишни истамайман», — дедим. Шунда отам ҳам, ҳамшира аёл ҳам қулиб юборишди. Ўшанда бу кулгунинг маъносига тушунмагандим... Ахир рад жавобини берганимнинг сабаби ҳар куни келиб бир дунё дорилардан игна тиқиб отамга «озор» бераётган ҳамширага нисбатан қаҳрим эди. Чунки отамнинг билаклари игна захридан кўкариб, шишиб кетганди. Охириги пайтларда ҳамшира кириб келаётганда отам ҳазиллашиб, «қизим, бекиниб олсаммикин-а» дейдиган ҳам бўлдилар. Участка врачимиз Наима Эргашеванинг онамга «Тағин ҳам домла дардга жуда оғирлар-да, бу оғриқларга чидашнинг ўзи бўлмайди...» деган сўзлари ҳамон ёдимда.

Ҳа, жангу-жадаллардан орттириб келган дардлари тобора зўрайиб: энди муолажалар фойда қилмай қўйганди. Касалхонада ҳам даволандилар. Натижа бўлмади. Афсуски, 8 август куни бизга оғир мусибат олиб келди. Эскижўвадаги торгина кўчамизга, кичкинагина ҳовлимизга савлат тўкиб кириб келадиган хонадон соҳиби энди йўқ эди. Кўчамиз, ҳовлимиз, қалбимиз ҳувиллаб қолганди...

Онам бизга қаттиқ гапирмас, қўлларидан келганча ҳам оталик, ҳам оналик қилардилар. Нолисам айб бўлару, лекин кўп ҳолларда барибир отамни эслардим. Университет даргоҳига отаси билан келган қизларни кўрганимда, ишларим юришмай қийналганимда, уйимизда тўй бўлганда, турмушга чиқаётганимда... Қолаверса, онам дастурхон йиғилаётганда жажжи қўлчаларимизни фотиҳага очдириб «Отамни худо рахмат қилсин» дейнглар дея ўгит берардилар. Мана ҳозир олти жуфт қўлларимиз ёнида бир қанча қўлчалар ҳам дуо билан отамни эслашади. Ҳа, онам бизнинг кўнглимиз яримлигини билдирмасликка ҳаракат қилардилар, лекин биз онамнинг маслаҳатгўйлари, суянчлари бўлиб ярим кўнгилларини тўлдира олмасдик. Чунки ҳали ҳаммамиз ёш эдик. Энди эса салкам саксон ёшни қоралаётган онам қизларини оилали, ўғилларини уйли-жойли қилиб ўша муъжазгина ҳовлимизда отам чироғини ёқиб ўтирибдилар.

Қариндош-уруғлар, қўшнилар, опа-сингиллар йиғилганимизда отамнинг юмшоқ табиатликлари, беозорликлари, билимдонликлари, ҳазил мутойибани яхши кўришлари ҳақида кўп эслашамиз.

Хизмат юзасидан бултур сентябрь ойида «Ўзбекистон Республикасининг тоғ-тоғолди ҳудудларида мевачилик ва узумчиликнинг аҳволи ва ривожланиш истиқболлари» мавзусида ўтказилган республика семинарида қатнашдим. Бу вилоятимизнинг сўлим гўшаси Бўстонлиқ туманида бўлиб ўтди. Семинар тугагач тумандаги мевазор ва узумзорларни айландик. Инсоннинг меҳнати қанчалик буюк эканлигини бу боғларни кўриб яна бир ишонч ҳосил қилдим. Тушликда дастурхон атрофида суҳбат янада қизиб кетди. Атрофимдаги суҳбатдошлар гурунги хаёлимни тортди. Суҳбатдан шу нарса маълум бўлдики, улар қишлоқ хўжалиги институтини бирга тугатган тенгдош курсдошлар экан. Студентлик даврлари, ўқув тартиблари, домлалари ҳақида қизиқишиб сўзлашардилар. Гап орасида отамни ҳам тилга олишди. Ёнимда ўтирган опага ўзимни таништирдим. Улар хурсанд бўлиб, «Дўстлар журналист қизимиз Жалилов домланинг қизлари экан», — деди. Улар бирдан жимиб қолишди.

— Ҳа, — деди ҳозиргина отам ҳақида сўзлаган киши. Ўхшаб турибсиз. Мен домла бетоб бўлганларида уч-тўрт марта уйингизга боргандим. У вақтлар жуда ёш эдингиз... Афсуски, уруш жароҳати... Лекин мана ҳозир домланинг шогирдлари республикамизнинг барча жойларида масъулиятли вазифаларда ишлашяпти. Биз уларнинг бир қисмимиз, холос, — дея ўзларини бирма-бир таништиришди.

Семинардан қайтяпман-у дилимда ўкинчми, ғурурми, аллақандай бир туйғу. Ҳозиргина йўлнинг икки томонидаги боғларга ҳавас билан, ҳайрат билан қараб келган бўлсам, энди бу боғларни яратган инсонларга менинг отам устозлик қилганидан кўнглим севинча тўлди.

Мая ОБИДОВА.

Тошкент вилояти — фронтга

РАҚАМЛАР ТИЛИ БИЛАН

● Тошкент вилоятидан 100 мингдан ортиқ киши фронтга жўнаган эди, улардан 30 мингдан ортиғи жангларда халок бўлди ва бедарак йўқолди. 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларидан ҳозир 13 минг нафарга яқин кишигина барҳаёт.

● Урушда халок бўлган ва бедарак йўқолган юртдошларимизга вилоят бўйича 116 та ҳайкал ва ёдгорликлар ўрнатилган, 31 минг жанговар ва меҳнат шуҳрати хонаси, мактаблар, ўқув юртларида эса 210 минг дан ортиқ шоншуҳрат хоналари ишлаб турибди.

● Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан вилоятнинг икки жилдли «Хотира» китоби нашр этилди. Собиқ СССР Мудофаа вазирлигининг Подольск шаҳридаги марказий архивидан олинган ҳужжатлар асосида жангда шаҳид кетганлар, бедарак йўқолганларнинг номлари китобга киритилди. Китоблар халок бўлган фронтчиларнинг оила аъзоларига, барча мактаб кутубхоналарига, жамоа хўжаликлари, корхоналар, клублар, шунингдек, вилоят ҳамда туман ташкилотларига тарқатилмоқда.

● Урушнинг оғир йиллари пойтахт вилояти жанглар бўлаётган жойлардан кўчириб келтирилган жуда кўп корхоналарни қабул қилиб олди, қисқа муддат ичида уларни оёққа турғазиб фронт буюртмасини бажаришга киришди. Жумладан қурол-яроғлар, кийим-бошлар, портловчи модда ҳамда фронтга зарур бошқа нарсалар ишлаб чиқарила бошланди.

● Мамлакат ичкариси меҳнаткашлари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ аҳли эса деҳқончилик маҳсулотларини етказиб бериш бўйича катта кучғайрат сарфлади.

● 1941-1945 йиллар халқимиз самолетлар, танк колонналари учун маблағ йиғиш билан ёрдамлашди, фронтга иссиқ кийим бош, қуруқ мева, гўшт, картошка, гуручни кетма-кет совға қилиб жўнатиб турди. Ўзбекистон бўйича танк ва самолетлар ишлаб чиқариш учун 260 миллион сўм, шу жумладан пойтахт вилоятида эса 30 миллион сўм пул йиғилган эди.

● Тошкент вилояти халқ маорифи бўлими жанг бўлаётган ерлардан келган 1381 болани иссиқ бағрига қабул қилиб олди.

(Газетанинг кейинги сонларида ана шулар ҳақида муфассал ҳикоя қилинади).

СИЗ ТИРИКСИЗ, ЗАЙДУЛЛА БОБО!

Бундан 54 йил илгари — 1941 йил 22 июнь тонгида бошланган урушда захматкаш ўзбек халқи кўплаб жўмард йигитлардан жудо бўлди. Минглаб оналарнинг кўзлари йўлда қолди, ёш келинчакларнинг умри ёлғизликка маҳкум этилди, фарзандлар ота дийдоридан маҳрум бўлдилар. Орадан ярим асрдан ортиқ вақт ўтса ҳамки, унинг жароҳати битмайди, диллардан доғи кетмайди.

Мана, қўлимда оққўрғонлик Рихси ая Халилова номига келган хабарнома. Унинг ёзилганига 52 йил бўлган. Харфлари унга томган кўз ёшларидан ёйила бошлаган, орадан ўтган вақт таъсирида сарғайиб кетган бу хабарномада унинг турмуш ўртоғи Зайдулла Халиловнинг 1943 йил 3 январь куни жангда мардлик ва жасорат кўрсатиб ҳалок бўлганлиги ва унинг жасади Ростов вилоятининг Криво-Рожье туманида дафн этилганлиги ҳақида маълум қилинган. Рихсихон ая бу вақтда ёш келинчак бўлиб, қўлидаги қизи Тўхтахон хали чақалоқ эди. Рихси ая шу-шу турмуш қурмади. Ёлғиз қизи Тўхтахонни бағрига босиб, кечалари йиғлаб тонг оттириб, далаларда меҳнат қилди. Ўзи киймай қизига кийдирди, емай едирди. Бировдан кам қилмай катта қилди, ўқитди. Ўзи учун севимли инсондан қолган ёлғиз ёдгорини уйли-жойли қилиб, неваралар боқди. Лекин бир зум ҳам умр йўлдоши кўз олдидан нари кетгани йўқ. Рихсихон ая 1988 йили 75 ёшида оламдан кўз юмди.

— Отам раҳматлидан қолган ёдгорлик фақатгина шу, — деди Тўхта опа кўзида ёш билан Рихси ая номига келган машъум хабарномани кўрсатиб. — Улардан шундан бошқа на сурат, на бирорта хат сақланиб қолмаган. Мен ота дийдорини кўрмай ўсганман. Эсимни танибманки, бир армон мени ўртайди: отажонимдан ўғил қолмаган экан, номлари ўчиб кетди. Мен турмуш қургач турмуш ўртоғимнинг фамилиясига ўтдим. Ҳозир ҳам отам тенги кексаларни кўрсам, газеталарда уруш қатнашчилари ҳақидаги мақолаларни ўқисам титраб кетаман. Менинг отажоним уруш бошлангунча ҳайдовчи бўлиб ишлаганлар. Урушда ҳам машина ҳайдаган бўлсалар ажабмас... Келган хабарномада ўз ҳарбий қасамёдига содиқ ҳолда мардлик ва жасорат кўрсатиб ҳалок бўлди, дейилган. Лекин қандай жасорат кўрсатгани, нима иш қилгани — бу ҳақида ёзилмаган. Энг ёмони Оққўрғонда Зайдулла Халилов исм-шарифли инсон бўлганлигини, у кишининг урушда, Ватан озодлиги йўлида жон фидо қилганлигини аксарият одамлар билмайди. Шуниси алам қилади менга, Сиздан, илтимос отам ҳақида ҳам газетага мақола ёзсангиз. Ҳеч бўлмаса шу мақола орқали одамлар отамни билишса...

Тўхта опа келиб кетгандан бери Зайдулла Халилов ҳақида кўп ўйлайман. Ўзимча уларнинг қандай бўлганларини тасаввур қиламан. Албатта, жуда барваста, келишган, бошқаларга меҳрибон, она-Ватан озодлиги йўлида жонини ҳам аямаган мард, қаҳрамон инсон бўлиб гавдаланади уларнинг сиймоси. Ҳа, урушда ҳалок бўлганлар бизнинг қаҳрамонларимиздир. Опажон, сиз ўксинманг, бошингизни эг-манг. Аксинча ана шундай мард, фидойи инсоннинг фарзанди бўлганлигингиз билан фахрланиб яшанг. Мана, ўқиб шифокор бўлдингиз. Йигирма беш йилдирки, Оққўрғон халқига нажот фариштаси бўлиб хизмат қилаяпсиз. Фарзандларингиз ҳаётда ўз ўринларини топишди. Отангиз ва улар сингари шаҳидлар орзу қилган кунлар келди.

Шундай экан, улар ҳамиша биз билан биргадир, тириклар ичра тирикдир.

Ҳ. АВВАЛОВ,
Оққўрғон тумани.

Хотира китобларини чоп этиш бўйича катта ишлар ниҳоясига етди. Бунда Ўзбекистон фахрийлар ташкилотлари билан республикадаги кўпгина нашриётлар яқин ҳамкорликда ишладилар. Натижада Ғалабанинг 50 йиллиги арафасида 33 жилддан иборат китобларнинг ҳаммаси тайёр бўлди.

СУРАТДА: Ўзбекистон Республикаси фахрийлар ташкилоти кенгаши раиси Б. Раҳимов (ўнгдан иккинчи)ва раис ўринбосари генерал-лейтенант С. Охунжонов (ўртада) Қомуслар бош таҳририяти ижодий ходимлари билан.

А. СУПАЙМОНОВ олган сурат.

TV ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 10

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Алдаркўса ва бой». Мультфильм.
18.20 «Солиқ».
18.45 Футбол шарҳи.
18.55 «Ҳуқуқий жамият сари».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
20.25 «Умрбоқий ва ҳамиша навқирон». Телефильм.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Япония ҳақида ҳикоялар. «Оила».
21.55 «Маъмура кампир». Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят театрининг спектакли.
23.50 — 00.15 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Бу бўстон аро...».
19.30 «Йўлингиз бехатар бўлсин!».
20.00 «Сиёсий портретга чизгилар». Роман Герцог.
20.20 «Гўзаллик фасли».
20.35—22.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Чекист ҳақида қисса». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ёшлик» студияси. «Тафаккур».
*
«ОМАД» таништиради:
19.35 «Совға».
20.05 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
20.25 Жаҳон географияси.
21.15 Эълонлар.
21.20 Видео—«О».
23.00 Эълонлар.
23.05 «Курьер».
23.25 «...яна об-ҳаво ҳақида».
23.35 «Постфактум».
23.45 — 00.05 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
18.00 «Тиғиз пайт».
18.20 «Бизниклар Америка музи устида». Ҳужжатли фильм.
18.45 «Матбуот клуби».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45—21.40 «Мастер ва Маргарита». Телесериал. 2-серия. 1-қисм (Польша телевидениеси, 1988 й.).
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).
19.00 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.40 «Илк манбадан».
20.55—22.35 Режиссёр Александр Митт фильми. «Сибирда изсиз кетганлар».

СЕШАНБА, 11

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Огарев, 6». Бадиий фильм.
9.30 Немис тили.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
10.30 Ўқув кўрсатуви. Математика.
11.00 «Истиқлол ва мафкура».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
12.00 «Кетма, баҳор». Мусиқий композиция.
12.30—14.00 «Нурли келажак». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ўқувчи ёшларнинг сиртқи телевизион олимпиадаси. Математика.
18.40 «Меҳнату мурувватга чорлар Наврўзи олам».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Нурли Тошкент оқшомлари». Телефильм.
20.05 «Бойсун» фольклор этнографик ансамблининг концерти.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Бугунги Германия».
22.00 «Ижод завқи ва машаққати». Кинокўрсатув.
22.45—23.10 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Мультфейерверк».
18.55 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
19.45 Янгиликлар.
19.50 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.35 Видеогид.
20.55 «Теле-ателье-шоу».
21.05 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.45 «Кинонигоҳ».
23.25—23.45 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
*
18.55 «Ислоҳот ва масъулият».
20.25 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.25 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.35 «Бизнес-банк».
21.50—22.30 «Бизнес мирас» (татар тилида).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
***
18.00 «Тиғиз пайт».
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал.

ЧОРШАНБА, 12

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Оловнинг тизгинланиши». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.
10.40 Ўқув кўрсатуви. Кимё.
11.10 Чолғу куйларидан концерт.
11.30 Ўқув кўрсатуви. Зоология.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Мўъжизалар оламида».
12.30 «Ҳуқуқингизни биласизми?».
12.50—13.40 «Фахрийлар — фахримиз».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Қўнғироқча».
18.40 Ўқувчи ёшларнинг сиртқи телевизион олимпиадаси. Физика.
19.10 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Ойбек таваллудининг 90 йиллиги олдидан. Бир асар тарихи. «Болалик».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Яқинлашаётган Америка».
22.00 «Олтин мерос». Ўзбекистон халқ ҳофиз Одил Ҳофиз.
22.50 Миллий кураш бўйича Ат-Термизий хотирасига бағишланган Халқаро турнир.
23.20 — 23.45 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Ўзим ҳақимда...».
19.00 «Дарсга қўнғироқ...».
19.45 «Мусиқий меҳмонхона».
20.45 «Дарвоқе...».
21.05 «Тошкент оқшомида».
22.05—23.45 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Барча юлдузлар».
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
*
«ОМАД» таништиради:
20.20—23.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
***
18.00 «Тиғиз пайт».
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.00 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45—22.40 Режиссёр Кира Муратова фильми. «Жиззаки милиционер».

ПАЙШАНБА, 13

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Хайр, кабутарлар». Бадиий фильм.
9.30 Ўзбек тилини ўрганамиз.
10.00 Дала юмушлари.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Табиатшунослик.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
11.30 «Сиҳат-саломатлик» почтасидан.
12.00 «Созимда севги васфи». Концерт.
12.30 «Бола бошидан...».
13.10—13.40 Янги китоблар.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Болалар учун. «Улғайиш поғоналари».
18.40 Ўқувчи ёшларнинг сиртқи телевизион олимпиадаси. Кимё.
19.10 Шеърий дақиқалар.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Инсон ва қонун».
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Мен ва дунё».
22.05 Бастакор Туйғун Отабоев қўшиқлари.
22.35 Миллий кураш бўйича Ат-Термизий хотирасига бағишланган Халқаро турнир.
23.05—23.30 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кўнгил».
18.40 «Жозиба».
19.00 «Бир шингил ҳангома».
19.10 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.30 «Теле-ателье-шоу».
19.40 Видео янгиликлари.
20.05 Янгиликлар.
20.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Маърифатнома».
22.00 Ўктам Аҳмедов ва Рушель Рубиновлар ижросида мумтоз ашулалар.
22.40 «Алангали сўқмоқлар». Бадиий фильм.
23.55—00.20 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Фильмлар ва тақдирлар».
19.10 «Ғўзаллик бунёдкорлари».
19.40 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.35 «Раъно Шарипова куйлайди». Фильм-концерт.
21.05 «Тошкентнома».
22.05—22.25 Ўзбек киносининг 70 йиллигига. «Анҳор бўйларида».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
*
18.55 «Қўнгил қўприклари».
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
*
«ОМАД» таништиради:
20.20 «Эм-Ти-Ви»дан мусиқалар.
20.30 Эълонлар.
20.35 «Панорама».
21.05 «Салом, ёшлар!».
21.50 «Даракчи».
22.00 Эълонлар.
22.05—23.45 Видео — «О».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
***
17.55 «Бомонд».
18.15 «Шаддод Роза». Телесериал.
18.55 «Мўъжизалар майдони».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Мастер ва Маргарита». Телесериал. 2-серия. 2-қисм.
21.35 «Талқинлар».
21.50—22.30 «Взгляд».

ЖУМА, 14

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Пушчик Прагага боради». Бадиий фильм.
9.25 Немис тили.
9.55 «Болалигим — пошшолигим».
10.15 «Жўрахон ака». Телефильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Адабиёт.
11.00 «Ёшлар ва замон».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
12.00—14.00 «Биз танлаган йўл». Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Зангори филча». Мультфильм.
18.20 «Истеъдод қирралари».
18.50 «Тараққиёт».
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ассалому алайкум, азизлар!». «Ўзбектелефильм» премьераси.
20.10 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Маърифатнома».
22.00 Ўктам Аҳмедов ва Рушель Рубиновлар ижросида мумтоз ашулалар.
22.40 «Алангали сўқмоқлар». Бадиий фильм.
23.55—00.20 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Фильмлар ва тақдирлар».
19.10 «Ғўзаллик бунёдкорлари».
19.40 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
20.10 «Билиб қўйган яхши».
20.35 «Раъно Шарипова куйлайди». Фильм-концерт.
21.05 «Тошкентнома».
22.05—22.25 Ўзбек киносининг 70 йиллигига. «Анҳор бўйларида».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
*
18.55 «Ҳаракатда барақат».
19.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.
20.20 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.40 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.40 «Дидар» (қозоқ тилида).
22.20 «Ўзбекистон — қадрдон уйимиз».
22.50— 23.25 «Интилиш».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
5.00—8.00 «Телетонг».
***
18.00 «Тиғиз пайт».
18.20 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.00 «Мавзу».
19.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45—22.40 Режиссёр Кира Муратова фильми. «Жиззаки милиционер».

ШАНБА, 15

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 «Осмондан тушган мерос». Бадиий фильм.
9.25 «Футбол майдонларида».
9.45 «Ёшлик» студияси. «Даврага кел, дугонажон!».
11.05 Мультфильм.
11.25 «Оламни асранг!».
11.55 «Кинокўзгуда акс этган санъат». Кинокўрсатув.
12.25 Оилавий ансамбллар телевизион фестивали. Қорақалпоғистон Республикаси.
13.00—13.40 «Учрашув».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун фильм. «Писмиқ».
18.40 «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб».
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 «Ўзбекона лутф».
20.30 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Ўзбекистон» ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 «Санъат сеҳри». Мусиқий видеоканал.
22.40 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Нурафшон» — «Навбаҳор».
23.25 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.35 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:
9.00 «Мультфейерверк».
9.25 «Ҳайвонот дунёсининг сирлари».
10.15 Янгиликлар.
10.20 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
10.40 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.05 Видеогид.
11.25 «Теле-ателье-шоу».
11.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.15 «Кинонигоҳ».
13.55 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).
14.15 — 18.30 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».
*
«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 «Табассум».
19.10 «Антенна».
19.40 «Пульс».
19.55 «Акс-садо».
20.25 «Менинг кўчам».
20.40 «Эсдалик учун дастхат».
21.05 «Ҳар соҳадан бир шингил».
21.25 «Гладиаторлар». Спорт-шоу.
22.10—23.50 «Кинематограф».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Мюзик-холл».
10.30 «Ўзбекистон жаҳонга юз тутмоқда».
11.00—12.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалар саҳнасида».
***
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Мультқарусель».
18.55 «Ёшлик» студияси. «Гул ва...».
19.35 «Колумб кашф этган диёр».
20.25 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.50 «Грифон». Ўзбекистон кинематографчиларини махсус соврин билан мукофотлаш маросими.
21.50 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.00 «Бу ажиб дунё».
22.20—22.30 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ
17.20 «Кулгининг чеки йўқ ёки Одессадаги ҳазил-мутойибалар».
18.15 «Қайсар қизча». Детектив кинокомедия (Франция, 1993 й.).
19.40 Хайрли тун кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.45 «Мастер ва Маргарита». Телесериал. 3-серия. 1-қисм.
21.30 «Оба-на».
22.05—23.00 «Матадор».

ЯКШАНБА, 16

ЎзТВ I

6.00—8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Дивизия командирининг бир куни». Бадиий фильм.
9.30 «Шоҳрух» клуби.
10.00 «Ёшлик» студияси. «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 Болалар учун. «Эртаклар — яхшиликка етаклар».
11.30 «Қишлоқ ҳаёти».
12.30 Баҳор тароналари.
13.00 «Эзгуликка интилиб».
13.35—15.00 «Маънавият» видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим».
18.35 «Фан фидойиси». Академик

ЭЙ, АЗИЗ ИНСОН! БИЛГИЛКИ, СЕН ЯРАТГАН БОҒ-РИЗҚ-РЎЗ ЧАШМАСИ, САЛОМАТЛИК РИШТАСИДИР

ҲАР биримиз дунё билан юз кўришиб, ўсиб-улғайиб вояга етгач, ўз иқтидоримиз, қобилиятимиз, қизиқишимиз, майлимизга яраша касб танлаймиз, шу касб орқали тирикчилик ўтказамиз, бола-чақа боқамиз. Аслида қизиққан одамга касбнинг яхшиёмони йўқ, албатта. Лекин касблар ичида шундайи ҳам борки, уни ниҳоятда эъзозлаймиз, ҳурмат қиламиз, ардоқлаймиз. Бу бизга авлод-аждодларимиздан мерос бўлиб келаётган деҳқончилик — зироатчиликдир. Зотан эл-юртимизда деҳқончилик қанча ривож топса, шунчалик мўл-кўлчилик, дастурхонимиз тўкин бўлади.

Кейинги йилларда республикамиз раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан деҳқонга эрк берилди. Халқимиз ерли бўлди. Эндиликда деҳқоннинг томорқаларида ҳам янги боғ-роғлар барпо этилиб, улар элга кўпроқ ризқ-рўз улаша бошладилар. Бу ҳам мустақиллик берган мевалардан биридир.

Сўнгги пайтда муштарийларимизнинг таҳририятимизга соҳибкорлик ва боғдорчиликка оид баъзи маслаҳатлар ва тажрибалар тўғрисида маълумот беришни сўраб, мурожаат қилаётганликлари ҳам бежиз эмас, албатта.

Биз ана шуни ҳисобга олиб, Шредер номли боғдорчилик-узумчилик илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, Меҳнат Қаҳрамони, академик — боғбон Маҳмуд Мирзаев билан учрашдик. Суҳбатлашдик. Шунингдек, Иброҳим Нурхожиев, Қудрат Саидҳўжаев, Раҳим Абдувоҳидов ва бошқа кўплаб эл-юртга таниқли миришкор соҳибкорлар, боғбонлар билан мулоқот қилиб, уларнинг тажрибаларини ўргандик, маслаҳатларини олдик. Шу билан бирга XV-XVI аср деҳқончилик илми ҳақида ҳикоя қилувчи «Зироатнома» китобидан ҳам фойдаландик ва қуйидаги саҳифани тайёрладик. Ўйлаймизки, саҳифада келтирилган маълумотлар, тажрибалар, маслаҳатлар томорқа эгалари, боғбон ва соҳибкорларимизнинг эл-юрт маъмурчилиги йўлида олиб бораётган саҳоватли ва хайрли ишларида озгина ёрдам берса, ҳисса қўшса биз ўз олдимизга қўйган вазифани озми-кўпми уддалаган бўламиз.

* * *

Шоҳларнинг аҳволи, ҳикоятидан,
Оқиллар хабари, ривоятидан,
Кўз билан кўнгиллар рўшнолик топар,
Илму дониш билан ошнолик топар.
Ҳар соҳадан улар бир сўз демишлар,
Олмос билан гўё дурни тешмишлар.
Даврон билан қилиб тажриба кўп иш,
Ҳар ишда тортишган қанчалар ташвиш.
Авлодир уларнинг сўзидан юрсак,
Ўтганлар сўзини билсак, тингласак,
Улар экиб кеттан ҳар битта ниҳол,
Беҳисоб мевалар бермиш асал-бол.
Келгил, уша боққа биз ҳам кирайлик,
Ширин мевасидан ейлик, терайлик.

КОШИФИЙ.

ХУРМО ВА ТУЗ

ХУРМО ниҳоятда хуштаъм, ширасы ўткир мевадир. Шунинг учун ҳам уни севиб истеъмол қиламиз. Аввалари бу мевали дарахтлар кўпроқ республикамизнинг жанубий минтақаларида ўстириларди. Лекин кейинги йилларда бошқа худудлар, хусусан,вилоятимизда ҳам хурмо дарахтини ўстириш одатга айланди: куз пайтида хурмо ўстирилган далага борсангиз ёки бирон боғбоннинг хонадонига кириб қолсангиз хавасингиз келади. Дарахт устида олтиндек товланиб турган мевалар кўзни қувнатади.

Шуни ҳам айтиш керакки, бу мевали дарахтга унчамунча касаллик ва хашарот йўламайди. Барглари ҳам олтиндек сарғайиб товланади.

Лекин хурмодан мўл ҳосил оламан десангиз уни ўстириш, парвариш қилишнинг айрим сирларини билиб қўйган маъқул. Иложи борича хурмони жуфт экишни тавсия этадилар. Бир-биридан чангланиб, ҳосили мўл бўлади. Иккинчидан, шуни унутмангки, хурмо одатда шўрланган ерларда яхши ўсади. Унинг туз билан «улфат»чилиги бор. Шунинг учун йилда бир марта унинг ердаги қисмини очиб, тупроқдан тозалайсиз ва бироз туз соласиз. Агар туз ўрнига эски шароб қуйқаси солинса, хурмо меваси яна ҳам хуштаъм ва яна ҳам хушхўр бўлади.

ХОМТОК «СИР»ЛАРИ

Йўлнинг «эркак ва урғочиси» бўлганидек, ток навдасининг ҳам ҳосил берадиган ва ҳосил бермайдиганлари бўлади. Унинг йўғон ва ингичкалиги, бўғинининг калта ва узунлигига қараб билса бўлади. Хомток пайтида боғбонлар бунга алоҳида эътибор берадилар. Умуман, хомток-ҳосилдорликни ошириш, сифатли маҳсулот етиштиришнинг асосий омилидир.

Айниқса шўра, ғўра хомтокка диққат билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Айримлар хомток пайтида ортиқча баргларни қай даражада олиб ташлаш керак, деб сўрашади. Шўра, ғўрага соя ташлаб офтобдан сақлайдиган барглларга асло қўл тегизиш керак эмас. Яна шуни эсда тутингки, ток барги орқали ҳам озиқланади.

Хомток ўтказиш пайтида навларнинг хусусияти ҳам ҳисобга олинади. Дейлик, «Чиллаки», «Победа», «Қоракишмиш» сингари навларимиз бор. Хомток пайтида булар ҳаддан зиёд очиб ташланмаслиги шарт. Акс ҳолда оддабула бўлиб пишади. Кул тушиб кетмасмикан, деб хавотирланманг. Ишлов бериш, айниқса, олтингугурт сепиш жараёнида кўл воситасида бўлса ҳам бу навларга кўпроқ миқдорда олтингугурт сепиб қўйсангиз бўлгани. Умуман, кул тушмаслиги учун сифатли хомток қилиш билан бирга ток навдалари кўкариб, уч-тўрт барг чиқаргандан бошлаб, ҳар 15-20 кунда олтингугурт сепиб ишлов берсангиз касаллик ораламайди.

Шундай қилиб шўра, ғўра хомтокларни ўтказдингиз. Август ойига келганда якунловчи хомтокни амалга оширасиз.Бундан мақсад узум бошларини очиб офтобдан, ҳаводан яхши бахраманд бўлиши учун шароит яратишдир.

ДАНАКСИЗ ШАФТОЛИ ЕГАНМИСИЗ?!

Ажабо, шунақаси ҳам бўларканми, деб хайрон бўлманг. Зироатчи ота-бувалармиз тажрибада синаб кўриб, бунга ишонч ҳосил қилишган: бунинг учун шафтоли ниҳолини толга якин жойга экасиз. У кўклаганида тол шоҳи эгилади, ерга тегизилади. Ўртасидан ёриб шафтоли ниҳолининг бир учини ана шу ёриқ орасидан ўтқазасиз. Сўнг лух билан қаттиқ боғлайсиз. Тешикларини тоза лой билан суваб қўясиз. Пайванд қилинган жойга бутун ёз бўйи сув томиб туриши шарт. Бу бироз қийинроқ ва эринмай амалга оширилади ган иш. Лекин қилса бўлади.

Кўзачага сув тўлдириб осиб қўясиз. Ундан сув бутун ёз бўйи пайванд қилинган жойга томиб туриши керак. Келгуси йил баҳорда шафтоли дарахтининг илдизи ер юзасидан кесилади. Қолган қисми тол орқали сув ичаверади. Шу зайилда парвариш қиласиз. Ана шундай пайванд қилиниб толнинг танасида ўстирилган шафтоли мева қилганда унинг данаги бўлмайди.

***

Модомики, гап шафтоли ҳақида кетар экан, одамлар орасида шафтолининг умри қисқа, тез қариб қолади, деган гаплар ўринсиз эканлигини ҳам таъкидламоқчимиз. Ҳамма гап ихлосга, меҳрга боғлиқ. Шафтолидан узоқ вақтгача фойдаланаман, мевасидан баҳраманд бўламан, десангиз уни ҳар йили кесиб эски шохларини қирқиб, янги новдаларини парваришлаб туриш керак. Тажрибакор деҳқонлар шафтолига ана шундай муносабатда бўлинса, ундан 25-30 йилгача ҳосил олиш мумкин, деб таъкидлайдилар.

«ШАЙЛОМ» ЧАМБАРАГИ ОСИБ ҚЎЙСАНГИЗ...

АЙРИМ боғбонлар зўр ихлос ва хафсала билан мева-чева етиштиришади. Лекин кўп ҳолларда етиштирилган меваларни қурт-қумурсқалардан асрай билмайдилар. Тўғри, мевали дарахтларга тушадиган ҳар хил касалликлар, ҳашаротларга қарши кимёвий усуллар билан курашса ҳам бўлади. Лекин соҳибкор ота-боболаримизнинг қадимий ва бизгача етиб келган тажрибаларидан ҳам фойдаланиш керак.

Бунинг учун шундай йўл тутасиз. Галла орасида ўсадиган бир гиёҳ бўлиб, унинг донлари қора ва юмалоқ бўлади. У ғаллага қўшилиб олгач, унча-мунча одам унинг фарқига бормайди. Агарда ана шу гиёҳга эътибор берилмаса, ғалла билан қўшиб юборилиб ун қилинса, бу уннинг таъми тақир бўлиб қолади. Уни «шайлом» дейдилар. Араблар эса «завол» деб юритишади. Ана шу гиёҳ юлиб олиниб, ундан юмалоқ қилиб, чамбарак-доира ясалса ва у мевали дарахтнинг баланд шоҳига илиб қўйилса, бу дарахт мевасига унча-мунча ҳашарот йўламайди.

ЗИРОАТЧИЛИККА ОИД МАҚОЛЛАР

- **Эр ерни, тер эрни яшнатади.**
- **Ишлаганнинг иши унар.**
- **Боғ камолати — боғбон ҳиммати.**
- **Ер яшнаши — деҳқон саҳовати.**

Баҳорга ошуфта бўлмаган ким бор? А. ТЎРАЕВ суратпавҳаси.

БОЙЎҒЛИ ҲАМ «ИҚТИСОДЧИ»

ВИЛОЯТИМИЗДА бу йил ҳам катта майдонларда ғалла етиштирилмоқда. Ғалла хирмонининг салмоқли ва баракали бўлиши етиштириладиган ҳосилни ўз вақтида нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишга боғлиқ. Нобудгарчиликка йўл қўймаслик учун, аввало, техникаларни шайлаб уни ўз вақтида ўриб олиш керак. Иккинчидан ҳар хил хашаротлар, айниқса дала сичқонининг «ҳужуми»дан асраш керак бўлади. Дала сичқонининг кушандаси эса бойўғлидир. Одатда овлоқ жойларда, масалан, қабристондаги дов-дарахтларда ин қуриб яшайдиган бойўғли назаримизда хосиятсиздек туюлади. Аслида унинг фойдаси катта. Битта бойўғли бир мавсум давомида мингта дала сичқонига қирон келтиради. Ҳисоблаб чиқилса, ана шунча дала сичқони чамаси бир тонна донни ўмариб кетар экан. Демак, бундан чиқдики, битта бойўғли бир мавсум давомида бир тонна буғдойни сақлаб қолади!

ЗИРОАТЧИЛИККА ОИД МАҚОЛЛАР

- **Саҳар турганнинг ризқи кўп,**
  Кеч турганнинг ранжи.
- **Ишинг қолса эртага,**
  Чипқон чиқар елкангга.
- **Деҳқон ризқи ерида,**
  Боғбон ризқи боғида.

ҚАЙСИ МЕВАЛИ ДАРАХТ БУТАЛМАЙДИ?!

БИЗ мевали дарахтларга ўз вақтида шакл бериш ва буташ мўл-ҳосил гаровидир, деб айтамиз. Лекин айрим мевали дарахтлар борки, уларни бутамаган маъқул. Ана шундай мева дарахтларига ўрикни киритиш мумкин. Тўғри, ўрикни паст томондаги тарвақайлаб кетадиган шохлари қирқилиб турилади. Лекин унинг тик бўлиб ўсадиган шохларини бутамаслик керак. Акс ҳолда буталган шоҳларидан чиқадиган навдалар ниҳоятда жонсиз, мажнунтол каби эгилувчан бўлиб қолади. Яхшиси, агарда ўрик дарахтининг мевалари майда бўлиб қоладиган бўлса, уни вақти-вақти билан каллаклаб туриш керак.

Анжир дарахтини ҳам экилгач 3-4 йилгача бутаб бўлмайди. Иложи бўлса анжирни кўмишга мослаб ётиқроқ қилиб ўстиринг. Агар кўмиш пайтида эгилишга бўй бермаса ортиқча куч сарфлаб жон койитманг. Болта билан анжирнинг танаси таг қисмига қаттиқ бир зарб беринг, ёрилса ҳам майли, хавотирланманг. Ана шу зайилда анжирни кўмиб қўяверинг. Вақти билан ана шу ёриқ қайнаб ўзўзидан битиб қолади.

Жийда ҳам ўз ҳолига эркин қўйиб бериладиган ва ортиқча буталмайдиган мевали дарахтлардан ҳисобланади.

ҲИКОЯТ

ШИФТГА осиб қўйилган тиллоранг беҳи мевалари ҳар кўни «Даволарнинг давосиман, уйнинг хушбуй ҳавосиман», деган сўзларни такрортакрор айтар экан. Серқуёш ўлкамизда битадиган ҳар бир меваю, ҳар бир гиёҳнинг ўзига хос хосияти, муъжизаси бор. Фақат уларни синчиклаб ўрганиш ва билиш керак. Улардан бири беҳидир. Зеро, у беқиёс нафли ва шифобахшдир: бедармонлик, камқонлик, шамоллаш, йўтал, меъда, жигар, буйрак хасталикларини даволайди. Унинг бутқаси оғриган кўкракка босилади. Шарбатининг турган-битгани шифо. Дамламаси иштаҳа очади, йўғон ичак яллигланиши, қайт қилишни тўхтатади. Қайнатмаси ошқозоннинг шиллиқ қаватларига малҳамдир. Уруғи соч толаларини мустаҳкамлайди. Ундан мураббо, қиём, турли таомлар тайёрлаш мумкин. Ҳосили оқ қиров тушгунча тураверади. Уйга осилса, ҳавосини янгилаб туради. Абу Али ибн Сиёо беҳи мевасидан тайёрланган дамлама ва қайнатма билан ичбуруғ, ич кетиш ва бошқа касалликларни даволаган. У пешоб ҳайдовчи ҳислатларга ҳам эга. Беҳи ширасы ва уруғи қайнатмаси нафас қисиш, қон туфуриш, ўпка, нафас йўллари хасталикларида обдон фойдалидир.

Мана бир ҳикоят:

Қадимда бир кекса боғбон оғир хасталикка дучор бўлиб қолибди. Томоғидан таом ҳам, сув ҳам ўтмайди. Кунлар кетидан кунлар кечади, аҳволи бери қарамайди. Табиблар унинг фарзандларига «Падарибузрукворингизнинг куни битган қуринади», қабилида ишора қиладилар. Эртасига қария кичик ўглини чақириб:

— Мени ташқарига, беҳи тагидаги супага ётқизинглар. Очиқ ҳавода, ўзим севган дарахт тагида бандаликни бажо келтирмоқчиман, — дейди.

Ота амри — вожиб. Шундай қилишади. Хаста чол эртадан — кечгача беҳи дарахти соясида кўзи юмуқ, оғзи очиқ ҳолда беҳол ётаверади. Бир ҳафталар чамаси вақт ўтгач, қария ўзига келади. Урнидан туради, қараса, анча тетик, руҳи, кайфияти яхши. Таажжубланади. Шунда ғойибдан овоз келади:

— Э, муҳтарам шайх, юз йил муқаддам сенинг ўзинг ҳаёт бахш этган мана шу беҳи дарахти эндиликда сенга ҳаёт бахш этди. Ҳар куни унинг мевасидан оғзингга томган шарбатлар сени даволади. Шукр қил. Яхшиликка яхшилик қайтгусидир...

Қария ғадир-будир дарахт танасини қучиб йиғлаб юборибди. Унинг лаблари пичирлабди:

— Э, Оллоҳ, бу сенинг буюк кароматингдур... Қолган умримни ҳам беҳизорлар барпо этишга бағишлаганим бўлсин!

Саҳифани «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» Н. РИҲСИЕВ тайёрлади.

Суратда: мамлакат биринчилиги биринчи табақаси иштирокчилари Янгийўлнинг «Мебелчи» ва Ҳаққулободнинг «Норин» командалари ўртасидаги учрашув пайти.
Ф. ҚУРБОНБОЕВ /УзА/ суратти.

СПОРТ

ПОЛВОНЛАРНИНГ ХАЛҚАРО МУСОБАҚАСИ

КЕЧА Термизда ал — Ҳаким ат Термизий мукофоти учун миллий кураш бўйича полвонлар ўртасида иккинчи халқаро мусобақалар бошланди. Бунда Эрон, Хитой, Миср, Малайзия, Афғонистон ва Марказий Осиё давлатларининг полвонлари бел олишмоқда. Уч кун давомида спорт мухлислари Ўрол полвон, Рустам полвон, Баҳодир полвон, Эрали полвон, Қодир полвон сингари донги чиққан, кураги ерга тегмаган спортчиларнинг олишувларини кўрадилар. Тошкент вилояти спорт шарафини Токиода ўтказилган Осиё ўйинлари мусобақасининг бронза совриндори Дмитрий Соловьев /мутлақ оғир вазн/, шунингдек Андрей Штурбабинлар ҳимоя қиладилар.

БУГУН НАВБАТДАГИ ТУР

БУГУН футбол бўйича Ўзбекистон биринчилиги олий табақаси иштирокчилари навбатдаги учинчи тур ўйинларини ўтказадилар. Вилоятимизнинг «Политотдел» жамоаси ўз майдонида «Янгиер» футболчиларини қабул қилса, иккинчи вакилимиз «Чирчиқ» Қўқонда «Темирйўлчи» меҳмони булади. Бу турда футбол мухлисларининг бутун диққат-эътибори Наманганга қаратилиши табиий. Бу йил сафини тажрибали ўйинчилар билан тўлдирган «Навбаҳор»нинг уч карра мамлакат чемпиони «Нефтчи» билан буладиган ўйини кескин ўтиши кутилмоқда. Бу жамоалар яқинда «Пахтакор» хотира турнирида узаро учрашиб, наманганликлар 2:I ҳисобида голиб келишган эди.

ЭЪЛОНЛАР

«ЛУЧ» ФИРМАСИ
энг арзон нархда олий дон бошоғидан тайёрланган
СПИРТ
СОТАДИ
Нархи арзонлаштирилиши мумкин.
Телефонлар:
50-03-76, 50-46-04,
21-48-67, 47-71-82,
78-19-83, 78-90-83
соат 9 дан 18.00 гача;
21-41-58,
соат 12 дан 23.00 гача.

Тошкент бухгалтерия техникуми томонидан ИЛҲОМОВ Тўлқинбой Турсунович номига берилган МТ — 966692 рақамли йўқолган диплом БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

УЗАЙТИРГИЧ-ТРОЙНИКЛАР
(камида 1000 донадан),
ТЕБРАТМА ЭЛЕКТРОНАСОСЛАРНИ
(камида 50 донадан)
СОТАМИЗ.
Телефонлар:
33-52-38, 32-56-38.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0147. 17188 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 20.30. 1 2 3 4 5 6